



НУҚУҚ

1997-йил 27-августдан чиқа бoshлаган

www.huquq.uz

2019-й. 17-ЯНВАР, №3 (1148)

Икки нафар шахс чет эллик инвестордан 4 миллион доллар талаб қилди.


4-BET

Янги Фуқаролик процессуал кодексининг аввалги кодексдан қандай фарқи бор?

5-BET

Оилали аёлнинг беҳаё тасвирлари ортидан кимлар пул ишламоқчи бўлди?

6-BET



BOSH PROKURATURADA

Ҳамкорлик алоқалари давом этади

Жорий йилнинг 15 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Отабек Муродов Корея Республикаси Адлия вазирлиги Пак Санг Ги бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув давомида меҳмонларга прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишлари ва асосий ўзгаришлар ҳақида маълумот берилди. Иштирокчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик профессионал алоқаларни йўлга қўйиш ва шартномавий-ҳуқуқий базасини кенгайтириш орқали изчиллик билан ривожлантирилганлиги таъкидланди.

Томонлар ўзаро манфаатли бўлган кенг қамровли масалаларни муҳокама қилдилар ва идораларо ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича фикр алмашдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан Корея Республикаси Адлия вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Би-

Шаҳзод РУСТАМОВ,
Яккасарой туман прокуратураси
терговчиси лавозимида
иш ўрганувчи

тим имзоланди. Ушбу ҳужжатнинг амалга татбиқ этилиши ҳуқуқий соҳада ахборот ва илгор тажриба алмашиш орқали икки томонлама ҳамкорликнинг ривожланишини янги босқичга кўтарди.

Корея делегациясининг ташрифи шакланган сермахсул алоқаларни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам эканлиги қайд этилди.

Учрашув якунида жаноб Пак Ўзбекистон Бош прокурори Отабек Муродовга самийий қабул учун миннатдорлик билдириб, ўзаро манфаатли идораларо ҳамкорликни янада ривожлантиришга тайёрлигини билдирди.

Қонун устуворлиги — адолат мезони

ISLOHOT

Эркин Йўлдошев,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари,
адлия катта маслаҳатчиси

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш бугун ҳар қачонгидан долзарб аҳамиятга эга. Бу борада амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар, рўёбга чиқариляётган аниқ чора-тадбирлар халқимиз манфаатларини кафолатлашга хизмат қилмоқда. Буни одамлар турмуш даражаси юксалиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриб турибмиз.

Бинобарин, давлатимиз раҳбари, аввало, халқни рози қилиш учун бор имкониятни ишга солиш кераклиги, "кабинетда ўтириб буйруқ бериш" амалиётига чек қўйиб, оддий одамлар орасига кириб бориш, уларнинг дарди ва муаммоларини эшитиб, уларни ҳал этиш чораларини кўришга жиддий эътибор қаратган эди.

Натижада бугунги ислохотларга нисбатан одамларнинг ўй-қарашлари, фикрлари ўзгарди, эртанги кунга ишончи ортди. Турли соҳа вакилларининг ўз ишига, вазифасига бўлган муносабати ўзгарди.

Буларни жам қилиб, мамлакатимиз адолатли жамият барпо этишга киришди, дейиш мумкин. Биз учун энг муҳими ҳам аслида шу эди.

Ҳўш, бу жараёнда Бош прокуратура ва унинг қўйи тузилмалари ўрни қандай бўлмоқда?

Прокуратура оддий одамларни ҳимоя қиладиган халқчил органга айлана олдими? Умуман, мазкур орган томонидан ўтган даврда қандай ишлар амалга оширилди?

Янгича ёндашув ва замонавий талаблар

Ислохотларни ҳаётга изчил татбиқ этишда Президентимиз томонидан прокуратура органларига қўллаб-қўллаган ва масъулиятли вазифалар топширилган эди. Шундан келиб чиқиб, яқунланган йилда прокуратура органлари ўз фаолиятини янгича ёндашув ва замонавий талаблар асосида йўлга қўйди. Асосий эътибор қонун бузилиши оқибатларини эмас, балки тизимли муаммо ҳамда камчиликларни аниқлаб, уларни бартараф этишга қаратилди.

Давоми 6-7-бетларда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистон Республикасига амалий ташрифи доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ҳиндистон Республикаси Бош вазир Нарендра Моди билан музокара-рала ўтказди.

Давлатимиз раҳбари саммит ялпи сессиясида нутқ сўзлайди, шунингдек, Ўзбекистон — Ҳиндистон ҳамкорлиги, халқаро ва минтақавий сиёсат масалаларини муҳокама қилиш учун Бош вазир Нарендра Модига музокара-рала ўтказди.

Бош вазир Нарендра Модига ташаббус билан 2003 йилдан буён Гандинагар шаҳрида ўтказиб келинаётган "Жўшқин Гужарат" саммити минтақадаги энг йирик халқаро форум ҳисоб-

ланади. Унда давлат ва ҳукумат раҳбарлари, вазирлар, халқаро ташкилот ва трансмилий корпорациялар раҳбарлари, етакчи таҳлилчилар, экспертлар иштирок этади.

Анъанага кўра, глобал иқтисодий-ни ривожлантириш, савдо соҳасидаги шерикликни кенгайтириш, инвестициялар жалб қилиш, илгор технологиялар ва билимлар алмашишга доир долзарб масалалар форум иштирокчилари диққат марказида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи доир

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 20-22 январь кунлари расмий ташриф билан Германия Федератив Республикасида бўлади.

Германия пойтахти Берлин шаҳрида Федерал Президент Франк-Вальтер Штайнмайер, Федерал канцлер Ангела Меркель ва Бундестаг Раиси Вольфганг Шойбле билан музокара-рала ўтказилади.

Кун тартибидан сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш, маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алоқаларни фаоллаштириш каби масалалар ўрин олган.

Шунингдек, халқаро ва минтақавий

сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Мюнхен шаҳрида Ўзбекистон Президентининг Бавария Бош вазир Маркус Эддер, шунингдек, Германиянинг етакчи ишбилармон ва молиявий доиралари вакиллари билан учрашувлар ўтказиши режалаштирилган.

Ташриф доирасида иқтисодий, молия, инвестиция, инновация, илм-фан, техника, таълим ва маданият соҳаларида ҳамкорликка оид икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

ЎЗА

СУНЬИЙ ТЎСИҚЛАР ИШТИЁҚНИ СЎНДИРАДИ

Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида комплекс ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатнинг иқтисодидоғи иштирокини камайтириш, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг устуворлигини янада кучайтириш, бизнес ташаббусларни қўллаб-қувватлаш йўналишларида изчил ишлар қилинаёпти.

Сандқамол МУХТОРОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

моларни бартараф этиш" тўғрисидаги мажлис баёнининг 6-бандида, Қозоғистон Республикасидан 2018 йил 28 май ҳолатига бугдой маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириб қайта ишлаб, ун маҳсулотларини Афғонистон Республикасига экспорт (толлинг) қилувчи тадбиркорлик субъектларига Давлат божхона қўмитаси томонидан тасдиқланган маълумотномалар асосида 2018 йилнинг 28 май ҳолатига қўлланилган имтиёзлар асосида ташувларни амалга ошириш белгиланган.

Шундай бўлса-да, "Fabienne Inter Group" ва "Golden Sunflower" МЧЖларга юқорида қайд этилган Баёнининг 6-бандида назарда тутилган қоида (имтиёз) асосиз равишда қўлланилмаган.

Текшириш давомида қайта ҳисоб-китоб натижасига кўра, "Fabienne Inter Group" МЧЖдан 90,7 миллион сўм ҳамда "Golden Sunflower" МЧЖдан 39,3 миллион сўм, жами 130 миллион сўмдан оширок юк (ун) ташуви учун олинган тўловлар ҳамият ҳисобига қайтариб тўланиши таъминланди.

Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қабул қилинаётган чоралар самарадорлиги натижасида Жаҳон банкининг "Бизнесни юритиш — 2018" ҳисоботида Ўзбекистон бизнес юритиш учун энг кўлай шароитлар яратиш бўйича ислохотчи давлатларнинг биринчи ўнлигига кирди. Бунга ўз-ўзидан эришляётгани йўқ, албатта. Соҳада қабул қилинаётган фармон ва қарорлар, жорий этиляётган янгилликлар, берилётган имтиёз ва имкониятлар бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Аммо бу ислохотларни амалга ошириш жараёнида баъзи мансабдор шахсларнинг масъулиятсизлик билан иш юритиши тадбиркорларнинг қонун билан қўриқилмаётгани манфаатларига зиён етказмоқда. Бунинг ортидан эса ишбилармонлик иштиёқи, давлатга, қонунга бўлган ишонч пасайишни пайдо бўлмоқда. Хусусан, "Fabienne Inter Group" ва

"Golden Sunflower" МЧЖнинг темир йўлда юк ташуви хизматлари бўйича асосиз равишда имтиёзлар қўлланилмаганлиги ва қайта ҳисоб-китоб қилишда амалий ёрдам сўраб йўллаган мурожаати Бош прокуратура томонидан қўриб чиқилди.

Маълум бўлишича, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 2017 йил 1 августдан экспорт қатновда юк ташуви нархлари маҳаллий тариф ставкалари асосида ҳисоблаш белгиланиб, ташуви нархлари ўртача 50 фоиз миқдорига камайтирилган. Аммо, "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ томонидан 2018 йил 25 майдан экспорт (ре-экспорт) қатновда бугдой ва ун ташуви тариф ставкалари юзасидан юқоридаги имтиёзни қўллаш бир томонлама бекор қилинган.

Бироқ, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 июндаги "Мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга қаришида юзага келаятган муам-

СОЛИҚДАГИ ЎЗГАРИШЛАРДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

TADBIR

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда солиқлар муҳим ўрин тутлади. Чунки солиқлардан келадиган даромад давлат хазинасини бойитишга, унинг қудратини юксалтиришга, эл-юрт фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси ходимлари томонидан бошқа мутасадди идоралар вакиллари билан жалб этган ҳолда вилоятда фаолият қўрсатаётган тадбиркорлар иштирокида очик мулоқот ўтказилди.

Гулҷехра РАЗЗОҚОВА,
Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори

ард сўм миқдоридида маблағлар қолиши кутилмоқда. Ингилиш қатнашчиларига солиқ концепциясига кўра, тизимда вазият тубдан ўзгарганлиги ҳақида тушунтиришлар берилди. Эндиликда юридик шахсларнинг фойда солиғи 14 фоиздан 12 фоизга, дивидендлар ва фойзалар қўриқилишида даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизга туширилганлиги ва давлат мақсадли жамғармаларига юридик шахсларнинг тушумидан ундирилаётган 3,2 фоизли мажбурий ажратмаларни ҳисоблаш бекор қилинганлиги, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов 25-15 фоиздан 12 фоизга пасайтирилганлиги ҳақида маълумотлар берилди. Очик мулоқот тарзида ўтказилган тадбирда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларига батафсил жавоблар олишди.

Тадбир жараёнида солиқ ислоҳоти бўйича қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ҳақида ва унда белгиланган чора-тадбирлар юртимиз аҳолиси, тадбиркорлар ва бошқа соҳа вакиллари учун катта аҳамиятга эга бўлган ҳужжат эканлиги қайд этилди. Таъкидланганидек, жорий йилдан бошлаб 19 та солиқ ва мажбурий тўловлар тури 15 тага қисқартирилади, самарасиз солиқ имтиёзлари бекор қилиниб соҳада янги механизмлар қўлланилади. Янги солиқ концепциясига кўра, солиқларни тўлайдиган ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги

солиқ юки даражасидаги номутоаносибликларни бартараф этиш мақсадига жорий йил 1 январдан бошлаб ўтган йил якунлари бўйича йиллик товар айланмаси 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида ушбу чегаравий миқдорга етган ҳўжалик юритувчи субъектлар умум-белгиланган тартибда солиқ тўлашга ўтадилар. Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирилди. Ушбу солиқ ставкасининг пасайтирилиши ҳисобидан жорий йилда Тошкент вилоятидидаги ҳўжалик юритувчи субъектлар ихтиёрида 90,5 милли-

Ҳалол меҳнат қилган одам ҳаётда нафақат фаровон умр кечиради, балки эл-юрт, яқинлари орасида обрў-эътибор ҳам топади. Албатта, бундай мартабага эришиш ўз-ўзидан бўлмайд. Бунинг замирида фидойилик, эзгу ва савоб ишларга бош қўйиш каби инсоний фазилатлар ётади. Аммо нафс қутқусига учиб, ноқонуний қилимишга қўл урганларнинг юзлари шувут бўлиб, афсус чекадилар.

ҚИРҚ ТЎРТ МАРТА ТОРТИЛГАН ТИРКАМА

FAOLIYAT

Гурланлик Отабек Бекчонов (исм-фамилияси ўзгартирилган) томонидан амалга оширилган, ўзганининг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш билан боғлиқ қинғир ишлар охири-оқибати уни жавобгарликка етаклади.

Маълумки, қатъий ҳисоб-китоб юритишни таъминлаш мақсадида давлат томонидан барча пахтачи қабул қилиш масканларида электрон тарозилар ўрнатилиб, улар белгиланган тартибда қўрслов кўригидан ўтказилди. Шунингдек, ҳар бир қабул қилиш масканига Агросоноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлиниши устидан назорат қилиш инспекциясининг вилоят бошқармаси

органлари ходими бириктирилиб, тарозининг тўғри ишлаши, пахта хомашёсининг маҳсус рақамланган тиркамаларда келтирилмиши ҳамда лабораторида ўтказилаётган барча синов жараёнлари, уларнинг натижалари қайд қилинишида доимий назорат ўрнатилди. Бундан ташқари, қабул қилинган хомашё шу жойнинг ўзида онлайн тизимга киритилиб, пахта етиштирувчиларнинг ортиқча овора бўлишлари ва содир этилиши мумкин бўлган қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олиш ҳамда ушбу жараёнда шаффофликни таъминлаш чоралари қўрилди.

Тумандаги фермер ҳўжаликларидан бирида механизатор

бўлиб ишлаб келган Отабек мазкур назорат тизимидан хабардор эди. Шу сабабли ўзининг бошқарувида бўлган трактор тиркамасининг олд қисмига сунъий равишда оғирликни оширувчи мослама ўрнатди. Трактордаги маҳсус мурувват ҳаракатга келтирилганда, тиркамага ўрнатилган ушбу техник мослама юкни анча миқдорда тош босишига олиб келди ва тарозидидаги пахтачининг оғирлиги салкам 650 килограммга ошди чикди.

Шундай қилиб, у давлат томонидан "Гурлан пахта тозалаш" АЖга қарашли пахта тайёрлов масканидаги тарозидида 44 метротоба, жами 29 480 килограмм, баҳоси 103 миллион

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолининг ижтимоий ҳолатини қатламларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш борасида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди.

Имтиёз қўлланиши таъминланди

Адҳам ОДИНАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш даражасини оширишга, пенсия таъминоти ва ижтимоий мадад тизимини такомиллаштиришга, тизимли соғломлаштиришни ташкил этиш ҳамда касалликларни даволашнинг замонавий усулларида баҳраманд бўлишни кенгайтиришга йўналтирилган бир қатор давлат дастурлари қабул қилинди.

Изчиллик билан амалга ошириляётган кучли ижтимоий сиёсат натижасида аҳолининг фаровонлиги ошди ва кишиларнинг турмуш сифати яхшиланди.

Прокуратура органлари томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини мунтазам назорат қилиш, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, Бош прокуратура томонидан ногиронлиги бўлган фуқароларнинг мол-мулк ва ер участкасига нисбатан солиқ имтиёзларининг қўлланиши аҳоли ўрганилди.

Солиқ кодексининг 275 ва 290-моддаларида I ва II гуруҳ ногиронларининг мол-мулкига солиқ имтиёзи белгиланган ҳамда улар ер солиғидан тўлиқ озод қилинган.

Республикаимизда ногиронлиги бўлган шахслар 699 900 нафарни, солиқ имтиёзига эга бўлганлар 528 430 нафарни ташкил этади. Солиқ кодексига асосан 121 493 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга мол-мулк солиғи бўйича имтиёз қўлланилиб, 116 629 нафари ер солиғидан озод қилинган.

Ўрганиш давомида солиқ, молия, кадастр идоралари, пенсия жамғармалари ва тиббий меҳнат эксперт комиссияларининг солиқ имтиёзига эга бўлган ногиронлиги бўлган шахслар ҳақида ўзаро маълумот алмашинуви тўғри йўлга қўйилган. Қолаверса, солиқ имтиёзлари билан боғлиқ тарғибот тадбирларининг етарлича ўтказилмаганлиги сабабли 2 944 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга солиқ имтиёзлари қўлланилмаддан қолганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижасида жами 2 944 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга 327,1 миллион сўмлик солиқ имтиёзлари қўлланилиши, жумладан, ушбу фуқароларнинг 2 694 нафари 184 миллион сўмлик ер солиғидан озод қилиниши таъминланди.

Орифжон АҚМАНОВ,
Инспекциянинг Хоразм вилоят бошқармаси бош инспектори

сўмдан ортиқ миқдордаги пахта хомашёсини фермер ҳўжалиги ҳисобига ўтказди. "Ойни этак билан ёпиб бўлмас", деганларидек, мазкур ҳолат Инспекция ходимлари томонидан фож этилди.

Инсон вақолат ва адо этилиши лозим бўлган хизмат талабларидан четга чиқса, албатта, жавобгарликка тортилади. О.Бекчоновга ҳам қилган қилимиши учун жавоб беришига тўғри келади. Аини пайтда мазкур жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.



JARAYON

ПРОКУРАТУРА ХАЛҚНИНГ ҲИМОЯЧИСИДИР

Кейинги икки йил ичида ҳуқуқ-тартибот органлари тизимидаги ислохотлар прокуратура органлари жазоловчи эмас, аксинча, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи, мамлакатимиз ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилувчи органга айланганлигини кўрсатади.

Амударё туманида ҳам аҳоли ўртасида олиб борилаётган кенг қўламадаги профилактика ишлари тўғрисида маълумоти сезиларли даражада камаймоқда. Прокуратура ходимлари билан аҳоли ўртасида бевосита мулоқот йўлга қўйилгани, уларнинг муносабатлари қонун доирасида ўрганилаётгани боис жойлардаги мавжуд камчилик ва муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилишига эришилмоқда. Ўтган йили туман прокуратурасига фуқаролардан келиб тушган 842 та муносабатнинг 554 таси жойида ижобий ҳал қилинди, 165 таси қаноатлантирилиб, 125 нафар шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилди. Жумладан, фуқаро М.Вайсова ўзининг муносабатига маълум қилишича, у 2007 йили Амударё тумани ветеринария лабораториясига ишга қабул қилинган. 2018 йилнинг январь ойида Амударё тумани ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази раҳбарининг буйруғи билан ўз аризасига асосан фаррос вази фасига ўтказилиб, кейин ишдан бўйлатилган.

Бу муносабат туман прокуратураси ва

Туман прокуратураси аралашуви билан тадбиркорга фаолиятини ривожлантириш учун "Агробанк"нинг Амударё филиалидан 180 миллион сўм кредит олиб берилди.

муносабди идоралар мутахассислари иштирокида чуқур таҳлил қилинганда марказ ва М.Вайсова ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишида Меҳнат кодекси талаблари бузилганлиги ҳолати аниқланиб, у ишга қайта тикланди.

Туманда 2 минг 283 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Назорат тадбирларида асосий эътибор ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатишга қаратиляпти. "Холбой-Зеваржон" масъулияти чекланган жамиятига тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган 180 миллион сўм кредит маблағи 2018 йил 26 ноябрь ҳолатига ахиратилмаганлиги аниқланди. Туман прокуратураси аралашуви билан МЧЖга "Агробанк"нинг Амударё филиалидан ушбу кредит маблағи олиб берилди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритиш истаги бўлган 2 нафар тадбиркорга эса 4,6 га. ер майдони ажратилиши таъминланиб, фермер хўжалиги ташкил этишда амалий ёрдам берилди.

"Хар бир оила — тадбиркор" дастури ижроси юзасидан туманда истиқомат қилаётган 28 124 та оила билан суҳбатлар ўтказилди. Ўзининг мақсадли бизнес режасини тақдим этган 648 нафар

Нодирбек СОБИРОВ,
Амударё туман прокурорининг ўринбосари

фуқарога 13 миллиард 200 миллион сўм кредит ажратиш бўйича буюртмалар берилди ва бугунги кунга қадар 151 нафар фуқарога 3 миллиард 602 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи чоғида 2018 йилда 4 та сектор раҳбарларига жами 1 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилиш топширигини берган эди. Ушбу лойиҳалар бўйича 967 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб қилишга эришилди ва шундан туман прокурорига бириктирилган 2-сектор ҳудудига қиймати 344 минг АҚШ доллари бўлган 120 бош қорамол ҳамда 623 минг АҚШ доллари тенг ишлаб чиқариш технологиялари олиб келинди.

"Ёшлар — келажагимиз" Давлат дастури ижроси юзасидан жойларда ўтказилган тадбирлар натижасида ёшларни қийнаётган 22 минг 40 та муаммо аниқланди. Уларнинг 686 таси жойида ҳал этилган бўлса, 21 минг 149 тасини бар-тариф этиш чоралари белгиланди. Дастур асосида туманда 3 та "Ёшлар меҳнат гузари" ташкил этиш режалаштирилган. Шу мақсадда Беруний маҳалласида тегишли ер майдони ажратилиб, бунёдкорлик ишларига ташаббуслор тадбиркорлар жалб қилинди. Айни чоғда қурилиш ишлари жадал олиб боришмоқда.

Дастурга кўра, хомий ташкилотлар кўмағида тумандаги ногирон ва имкони-

яти чекланган 4 нафар ёшларга арава-чалар топширилди, 12 нафарига тиббий ёрдам берилди.

Прокурорга бириктирилган 2-секторда уйма-уй юришлар натижасида 1 618 та муаммо аниқланиб, ҳозиргача уларнинг 1 минг 596 таси ўз ечимини топди, 22 таси "Йўл харитаси"га киритилиб, бажариш учун чора-тадбирлар белгиланди. Ҳудуддаги уй-жойга муҳтож бўлган 7 оила турар жой билан таъминланди. Ногиронлиги бўлган 50 нафар шахсга ортопедик воситалар берилди, 4 та маҳаллада ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. "Амир Темур" овул фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан электр трансформатори ўрнатиб бериш орқали 70 хонадоннинг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қаноатлантирилди. "Қиличбой" овулида эса 1 километрга яқин ички йўлга шағал тош ётқизибли, аҳоли учун қулайликлар яратилди.

Сектор ҳудудидаги 420 та хонадоннинг томорқа ерлари сув таъминоти яхшиланди. Шунингдек, 11 километр узунликдаги канал қазилиб, 3 та фермер хўжалигининг экин майдонларига сув етказиб берилди. Аҳолининг бандлигини таъминлаш мақсадида туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан биргаликда 177 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди.

Иш ҳақлари ундириб берилди

Прокуратура органлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни профилактика қилиш бўйича зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хеч бир муносабатсиз айтиш мумкин, бугунги кунда прокуратура органлари мамлакат фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда чинакам қалқонга айланмоқда. Хусусан, айрим қорхона-ташкilotларнинг муносабатлари томонидан фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилаётганлиги сабабли адолат истаб, Бош прокуратура "Ишонч телефони"га қилаётган муносабатлари тўғрисида қилиб чиқаришга кўриб чиқилди.

Жумладан, фуқаро Ё.Юнусовнинг "Уй-жой қурилиш" МЧЖ масъул шахслари томонидан иш ҳақи берилмаётганлигидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси "Ишонч телефони" орқали муносабати Сергели туман прокуратураси томонидан қўриб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро 2018 йилнинг июль ойидан "Уй-жой қурилиш" МЧЖ ҳисобидан Сергели тумани, Сергели-5 мавзесида қури-


Фахриддин ХОЛМУРОДОВ,
Сергели туман прокурорининг ёрдамчиси

лаётган уйларида ёлланма ишчи бўлиб ишлаган. Ўзaro келишув бўйича МЧЖ томонидан Ё.Юнусовга ушбу давр мобайнида бажарган ишлари учун 9 миллион 600 минг сўм иш ҳақи тўланиши лозим эди. Аммо жамият муносабатлари фуқаронинг ҳақини беришни пайсалга солишди. Туман прокуратураси аралашуви билан Ш.Юнусовнинг иш ҳақи тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Шунингдек, туман прокуратурасига яна бир шу каби муносабат келиб тушди. Маълум бўлишича, "Шамс Осмё Оригинал" ХК томонидан фуқаро Ш.Шамсутдиновнинг 900 минг сўм миқдоридagi иш ҳақи берилмаётган экан. Муносабатни қўриб чиқиш жараёнида, фуқаронинг иш ҳақи тўлиқ ундириб берилиши таъминланди.

Бундан ташқари, фуқаро С.Ҳакимовнинг "Бест кавел инвест" МЧЖ томонидан 1 миллион 900 минг сўм миқдоридagi иш ҳақини ундиришда амалий ёрдам беришни сўраб, "Ишонч телефони"га йўллаган муносабати қўриб чиқилди.

Муносабатни қўриб чиқиш жараёнида С.Ҳакимовнинг пуллари тўлиқ ундириб берилди.



MUNOSABAT

Хайрли ишларга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди

Президентимизнинг "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган талаби прокуратура органлари фаолиятининг асосий мезонига айланди.


Фаргона вилоят прокуратураси органлари томонидан барча соҳаларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалигида қонунийликни таъминлаш, фуқаролар, тадбиркорлар, фермер хўжаликлари раҳбарлари, тадбиркорларнинг оғзаки ва ёзма муносабатлари синчковлик билан қўриб чиқилмоқда. Ўзбекистон туманидаги чорвачилик йўналишидаги "Муқимий фойз" фермер хўжалиги раҳбари Х.Тоштемиров сермахсул қорамоллар етиштиришни йўлга қўйиш учун Германия Федератив Республикасидан насли қорамоллар келтиришга жазм этди. "Асака" банк Қўқон филиалидан хорижий валютада кредит ажратиб беришни сўраб қилган муносабатлари беса-мар қолаверди. Кредит ажратиш масаласи белгиланган муддатда қўриб чиқилмасдан, асосиз равишда ортга сурилмади. Унинг туман прокуратурасига қилган муносабати ўрганилди. Вилоят прокуратурасининг аралашуви

Исроил ИБРОХИМОВ,
"Huquq"

билан банк ва миқоз ўртасида кредит шартномаси тузилиши, фермер хўжалигида 239 минг 340 АҚШ доллари миқдоридagi кредит ажратилиши таъминланди. Айни чоғда Германиядан фермер хўжалигига келтирилган насли қорамоллар парвариси қилинмоқда.

Кўп тармоқли, пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи "Волида" фермер хўжалиги раҳбари Ф.Сатторовнинг фаолиятини янада кенгайтириш ниятида ер майдони ажратиш беришни сўраб қилган муносабати Фаргона туман ҳокимлиги мансабдор шахслари томонидан белгиланган муддатда қўриб чиқилмасдан, асосиз равишда кечиктириб келинган. Хўжалик раҳбарининг муносабатини қўриб чиқиш натижасида вилоят прокуратурасининг аралашуви билан туман ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Туман захираси ҳисобидан фермер хўжалигига 109 гектар ер майдони ажратиб берилди.

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Юқоридаги каби муаммолари ҳал этилган тадбиркорлар халқимизга хизмат қилаётган, қонун устуворлигини таъминлаётган прокуратура органлари ходимларига ҳам эзгу тилакларини билдиришмоқда.



"Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқотининг вазирлар даражасидаги Афғонистон иштирокидаги биринчи учрашуви 2019 йил 13 январь куни Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди.

17-YANVAR 2019-Y.
HUGUQ № 3
(1148)

3

ФАХРИЙЛАРИМИЗ ЭЪЗОЗДА

Мамлакатимизда кексаларга хурмат-эҳтиром кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Халқимиз ёши улуг инсонларнинг қадрига етиш, уларга алоҳида иззат-икром кўрсатишни юксак инсоний фазилят ва шарафли бурч деб билади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида кекса авлод вакиллари-нинг ҳаياتи, оила ва маҳаллада тинчлик-хотиржамлиги таъминлашдаги ролини кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Мазкур фармон ихросини таъминлаш борасида Бош прокуратура раҳбарияти томонидан Марказга кўрсатилётган эътибор таҳсинга лойиқ.

Президент фармони ихросини таъминлаш бўйича Марказ томонидан 2018 йилда махсус режа ишлаб чиқилди. Унга асосан прокуратура органлари фахрийларини эъзозлаш, уларга моддий ва маънавий мадад бўлиш, ҳолидан хабар олиш, лозим бўлса, шифохонага ётқизиш ва санаторияларга жойлаштириш, байрамларда табриклаш, бир пиёла чой атро-

фида суҳбатлар ташкиллаштиришга мунтазам равишда алоҳида эътибор берилди.

Марказ фаолиятини самарали йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуруний" жамғармаси, унинг ҳудудий бўлимлари билан ҳам муштахам алоқа ўрнатилган.

Марказнинг иш режасига асосан, 2018 йил мобайнида Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва уларга тенглаштирилган прокуратура раҳбариятлари, Марказ ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари томонидан прокуратура органларидан нафақа-га чиққан жами 494 нафар фахрийлардан 35 нафарининг юбилейлари муносабати билан Бош прокуратура жамоаси ва Марказ номидан табрикномалар тайёрланиб, совгалар билан уларнинг қавм-қариндошлари иштирокида табрик-лаш тadbирлари ўтказилди.

2018 йилда 494 нафар прокуратура фахрийлари тиббий кўриқдан ўтказилиб, 60 нафари Ўзбекистон Республикаси ИИБ Марказий госпиталида, 40 нафари ҳудудий поликлиникаларда ва 4 нафари Ҳарбий госпиталда даволандилар ҳамда уларнинг 87 нафари 10 миллион сўмга яқин дори-дармонлар билан бепул таъминландилар.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура номидан уруш қатнашчиси Нурилла Абдуллаевага ҳамда хизмат вақтида ҳалок бўлганлардан Андижон вилоят прокуратураси-

нинг собиқ ходими марҳум Фанижон Абдурахимов ва Бош прокуратура бошқарма собиқ бошлиғи марҳум Нурилла Жабборовнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида ҳалок бўлган, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси собиқ ходимлари Баҳром Жўраев ва Абдумалик Раҳмоновнинг оила аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси томонидан алоҳида эътибор қаратилиб, ёрдам кўрсатилди.

Ўтган йилда прокуратура фахрийларидан 24 нафари республикамиздаги "Товоқсой", "Кибрай", "Чинобод", "Чимён", "Оқтош" ва шу каби санаторияларда дам олишиб, уларнинг даво-ланишларида Марказ томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ихросини таъминлаш ҳамда фахрийларнинг кўнгилли-дам олишлари ташкил этиш мақсадида Марказий маҳкама ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан жами 91 нафар прокуратура фахрийларидан 31 нафарининг чет-элларга, 60 нафарининг эса юртимизнинг зияратгоҳ жой-ларига экскурсияларга бориб, зиёрат қилиб келишларига кўмаклашилди.

Марказ, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё, Самарқанд вилоят прокуратуралари-

нинг бир гуруҳ фахрийлари Самарқанд, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларига зиёратга бордилар.

Ўтган йилнинг сентябрь ойи давомида Бош прокурор ташаббуси билан Марказий маҳкама ва барча вилоятлардан жами 28 нафар прокуратура фахрийлари ва 2 нафар хизмат вазифасини бажариш вақтида ҳалок бўлган прокуратура фахрийларининг турмуш ўртоқлари Хитой Халқ Республикасига бир ҳафталик эски-курсияга бориб келишди.

2018 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Академияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят прокуратуралари томонидан "Еш мутахассис ходимларнинг ўз касбига муносабати, уларни ахлоқ-одобли, малакали, билимдон ва маҳоратли қилиб тарбиялаш" мавзусида 74 мартаба ташкил этилган учрашувларда прокуратура ҳудудий бўлимлари фахрийлари жами 348 нафар ёш мутахассис ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлар ўтказди. Мазкур учрашувларда 222 нафар фахрий иштирок этиб, ўзларининг ҳаётий ва касбий тажрибалари юзасидан маърузалар қилишди.

2018 йилнинг 18 апрель куни Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида республика миқёсида Давлат ва жаҳият ривожига ўз хизмати билан ҳисса қўшган фахрийлари "Меҳнат фахрийси" кўрак нишонини билан тақдирлаш тантанали маросимида прокуратура фахрийлари ҳам иштирок этишди. Унда прокуратура фох-

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиқ Маркази раиси

рийларидан 2 нафари 1 ва 2 даражали "Меҳнат фахрийси" кўрак нишонлари билан тақдирландилар.

2018 йилда Бош прокуратура, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоятлар ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар раҳбарияти томонидан тасдиқланган жадваллар асосида фахрийларни қабул қилиш ташкил қилинган бўлиб, йил давомида 247 нафар фахрий қабул қилиниб, мурожаатларининг 190 таси ижобий ҳал қилинди, 53 таси бўйича тушунтиришлар берилди.

2018 йил 25-29 декабрь кунлари янги йил байрами ва 8 январь — Ўзбекистон Республикаси прокуратура ходимлари куни муносабати билан Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда Марказ номидан табрикномалар ва байрам совгалари 494 нафар фахрийларнинг уйларига етказиб берилди ва уларнинг ҳолларидан хабар олинди.

Бош прокуратура раҳбарияти, вилоят прокурорлари ҳамда барча прокуратура ходимлари томонидан фахрийларга кўрсатилган ётган гамхўрликлар, уларнинг хурмат-иззатини жойига қўйиб, ҳар томонлама эъзозлаб, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганликлари учун фахрийлар номидан миннатдорлик билдирамиз.

Иқтисодий жиноятларни барвақт аниқлаш, олдини олиш, профилактика қилиш, тадбиркорлар ва истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, дори-дармон ва тиббиёт буюмларининг ноқонуний савдосига қарши курашиш, коррупция ҳолатларини фож этиш, импортни оптималлаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчи экспортёрларни қўллаб-қувватлаш Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг асосий вазифалари ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.



FAOLIYAT

Хусусан, бошқарма материаллари асосида ўтган йилда 734 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 1077 та маъмурий ишлар юритилди, ноқонуний муомаладан 17 миллиард 429 миллион сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Бюджетга 340 миллиард сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, 107 миллиард 569 миллион сўми ундирилди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни қасддан яшириш ёки тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ 69 та жиноят ишлари қўзғатилди. Жиноят иши қўзғатмасдан камарал текшируви ўтказиш учун солиқ идораларига 180 та ҳўжалик юритувчи субъектлар бўйича маълумотлар берилди, давлат бюджетига ихтиёрий 15 миллиард 943 миллион сўмдан ортққ солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишига эришилди.

Тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг эркин фаолият кўрсатишидаги сунъий бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида 145 та жиноят ишлари қўзғатилди. Ўтказилган профилактика-тарғибот тадбирлари натижасида 686 та тадбиркорлик субъектига амалий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиб, 1062 та иш ўрни яратилди. Қонунда тақиқланмаган ишлаб чиқариш фаолияти билан яшириш шугулланаётган шахсларга амалий ёрдам кўрсатилиб, 31 та тадбиркорлик субъекти солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказилиб, 83 та янги иш ўрни яратилди.

МАҚСАД — ТАДБИРКОРГА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИШ

Департаментнинг Яшнобод туман бўлими ходимлари томонидан чет эл инвесторлари ҳуқуқлари ҳимояси юзасидан Ҳиндустон фуқароси И.Балфақунинг аризасига асосан ўтказилган терговга қадар текширувда аниқланишича, фуқаролар А.Ирсалиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ва М.Давранов ҳиндистонлик фуқаронинг ишончига кириб, 2018 йил 11 сентябрь куни Тошкент шаҳридан ижарага офис ва уй олиб беришни ваъда қилиб, уни алдаб, ижара ҳақининг бир йиллик тўлов пули сифатида олдиндан 50 минг 400 АҚШ доллари кўлға киритиб, ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишган экан.

Фирибгарларга ишонган ҳиндистонлик фуқаро 50 минг долларга чув тушди.

Яна бир мисол, фуқаро Ф.Бакаев "Худойберди" исмили шахс билан тил бириктирган ҳолда бир гуруҳ бўлиб, фуқаро А.Итқининг Ўзбекистон Республикасига инвестиция сармоясини олиб кирганигини билган ҳолда, уни турли йўллар билан қўрқитиб, мулкий ҳуқуқи бўлган "VITASH" ва

"ITEX" корхоналарига бўлган эгаллик ҳуқуқини ўзларига ўтказишни ҳамда 4 миллион АҚШ доллари беришни товламачилик йўли билан талаб қилганлиги аниқланган. Ушбу ҳолатлар бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқи ҳимоя қилиниб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли ҳуқуқий чоралар қўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли Фармони талаби ихросини таъминлаш бўйича тезкор-қидирув ишлари жараёнида бозорларда содир этилган 682 та, банк шохобчаларида 18 та, савдо комплексларида 112 та, бошқа жойларда содир этилган 231 та, жами 1046 та валютага оид

ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, 110 таси бўйича жиноят ишлари қўзғатилди, 936 ҳолатда маъмурий ишлар юритилди. Ҳуқуқбузарлардан 957 минг 282 АҚШ доллари, 1 миллион 135 минг 970 Россия рубли, 1 миллион 252 минг 700 қозоқ тенгеси, жами 10 миллиард 330 миллион сўмга тенг ҳорижий

Агаам МАРДИЕВ,
Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

ва миллий валюта ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда 8 та ноқонуний айирбашлаш учун мўлжалланган валюта қимматликларини сақлаш ва жамлаш жойлари фож этилди, 56 838 АҚШ доллари, 137,1 миллион сўм ва 49 900 Россия рубли олинди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш соҳасида аҳоли ва тадбиркорлар ўртасида доимий мулоқотлар олиб берилди. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида 165 нафар шахсининг порахўрлик ва тамағирлик билан боғлиқ 127 та жиноятлари фож этилди.

Мисол учун, Департаментнинг Чилонзор туман бўлими ходимлари томонидан фуқаро С.Наримовнинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда фуқаро А.Ибрагимов кўп тармоқли хизмат кўрсатиш комплекси куришга 30 соғлик ер майдон ажратиб бериш эъвазига 30 минг АҚШ доллари

талаб қилиб, шундан 5 минг АҚШ долларини С.Наримовдан олган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Мазкур ҳолат бўйича А.Ибрагимовга нисбатан тегишли чора қўрилди.

Бошқарма ва ҳудудий бўлимлари томонидан спиртли ичимликларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жами 28 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 550 миллион сўмлик алкогольни ва этил спирти олинган. Шунингдек, тамаки махсулотлари ноқонуний муомаласи билан боғлиқ 32 та қонун бузилиши ҳолати аниқланиб, 646 миллион сўмлик тамаки махсулотлари олинган.

Деҳқон бозорлари фаолияти билан боғлиқ олиб борилган тезкор-тахлилий тадбирлар натижасида 63 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди.

Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ноқонуний муомалага чиқарилиши билан боғлиқ 51 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, 550 миллион сўмдан ортққ дори-дармон ва тиббиёт буюмлари олинди.

Республикамизда олиб борилётган илҳотқотлардан келиб чиқиб, бошқарма томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш юзасидан 15 та таклиф ишлаб чиқилди.

Иқтисодий жиноятларни, коррупция ва жиноий даромадларни легаллаштириш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш, чек қўйиш, шунингдек, ушбу ижтимоий ҳавфли қилмишларни келтириб чиқараётган омиларни чуқур таҳлил қилиш борасида 6 та ижобий иш тажрибаси оммалаштирилди.

Судда фуқаролик ишларини кўзғатиш

Судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ фаолияти маълум бир босқичларда амалга оширилади ҳамда ри-вожлантирилади. Фуқаролик процесси босқич-лари судьянинг ва процес-си иштирокчиларининг фуқаролик суд ишлари-ни юритиш вазифалари-ни амалга ошириш, фу-қаролик ишларини тўғри ва ўз вақтида кўриб чи-қиш ҳамда ҳал этиш каби муҳим мақсадга йўналтирилган процессу-ал ҳаракатлари йиғин-дир.

янгиликлар ва такомиллаштириш масалалари

эътиборга лойиқ куйидаги янги-ликларни кўришимиз мумкин:

Биринчидан, судга тақдим этилаётган аризада жавобгар билан низои судгача ҳал қилиш тартибига риоя этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар, башарти бу қонунда ёки шартно-мада назарда тутилган бўлса, кўрсатилиши кераклиги белги-ланди. Бу ўз навбатида низола-рини судгача ҳал қилиш тартиб-нинг таъсирини ошириб, тараф-ларни низоли иш бўйича ўзаро ярашишга даъват қилади ҳамда фуқаролик ишлари бўйича судьяларнинг ҳам ортиқча иш ҳақми камайишига хизмат қила-ди.

Иккинчидан, судга мурожаат қилаётган шахсларнинг ортиқча сансалорликларининг олдини олиш, судда ишлар тўғри ва ўз вақтида кўрилишига замин ҳозирлаш ҳамда даъво ариза-ларининг асосларини мустаҳ-камлаш мақсадида аризага ило-ва қилинадиган ҳужжатларнинг умумий рўйхатини белгиловчи янги норма киритилди (ФПКнинг 191-моддаси). Таъкидлаш жоиз-ки, ушбу рўйхат тугал ҳисоблан-майди ва муайян фуқаролик ишнинг тури ва хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчилик ариза-чига юқоридаги нормада белги-ланмаган ҳужжатларни ҳам ари-зага илова қилиш мажбурияти-ни юклайди. Масалан, ФПКнинг 296-моддаси иккинчи қисмида белгиланишича, аризада муай-ян фактни аниқлаш аризагача қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунинг-дек аризагининг тегишли ҳуж-жатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳуж-жатларни тиклаб бўлмаглигини тасдиқловчи далиллар келтири-лиши керак. Шунингдек, ФПК-нинг 300-моддасида фарзанд-ликка олиш тўғрисидаги ариза-га илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

Янги Фуқаролик процессуал кодексига судга мурожаат қилаётган шахсларнинг ортиқча сансалорликларининг олдини олиш мақсадида янги норма киритилди.

Учинчидан, аввалги кодексида бир гуруҳ олимларимиз ва соҳа мутахассисларининг ҳақи эъти-розларига сабаб бўлган, ўз ечи-мини топмаган аризани суд то-монида иш юритишга қабул қилиш мuddати ва тартибига доир масала ҳал этилди. Хусу-сан, ФПКнинг 192-моддасига кўра, судья аризани иш юритиш-га қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кун-дан эътиборан ўн кундан кечик-

тирмай яқка тартибда бу тўғри-сида ажрим чиқариш орқали ҳал этиши, ажримнинг кўчирма нус-хаси ариза ва унга илова қилин-ган ҳужжатлар билан бирга ари-загача ажрим чиқарилгандан кейинги кундан кечиктирмай юборилиши ҳақида муҳим нор-ма киритилди. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолат-ланган ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини суд ор-қали ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш механизмлари процессуал қонунчиликда муста-ҳкамланишига олиб келади.

Тўртинчидан, аризани иш юритишга қабул қилиниши рад этиш институтига жиддий ўзга-ришлар киритилди. Хусусан, эн-диликда нафақат фуқаролик иш-лари бўйича суднинг, балки иқти-содий суднинг ёки маъмурий суд-нинг ёхуд чет давлат ваколатли судининг айнаи бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисида ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори ёки даъвогарнинг арз қилинган та-лабларидан воз кечишини қабул қилиш тўғрисидаги ёхуд тариф-ларнинг қилишув битимини тас-диқлаш ҳақидаги ажримни мавжуд бўлса ҳам аризагини суд томо-нидан қабул қилиниши рад эти-лиши белгиланди.

Шунингдек, низоларни ҳал этишда ҳақамлик судларининг таъсири ва самардорлигини ошириш мақсадида ҳақамлик судининг иш юритишида айнаи бир тарафлар ўртасидаги, айнаи бир предмет тўғрисидаги ва айнаи бир асослар бўйича низо юзасидан иш мавжуд бўлса, шунингдек аризагача қандай мақсадлар учун зарур эканлиги кўрсатилиши, шунинг-дек аризагининг тегишли ҳуж-жатларни олиш имкониятига эга эмаслигини ёхуд йўқолган ҳуж-жатларни тиклаб бўлмаглигини тасдиқловчи далиллар келтири-лиши керак. Шунингдек, ФПК-нинг 300-моддасида фарзанд-ликка олиш тўғрисидаги ариза-га илова қилиниши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

ушбу ижро варақасини беришни рад этган ҳоллар мустасно) ҳамда ушбу асослар бўйича ҳақамлик муҳокамасини тугатиш тўғрисида чиқарилган ажрим бўлса (бузилиб қолган ҳақамлик судида ушбу низои кўриб чиқиш ваколат-ли мавжуд эмаслиги сабабли ҳақамлик муҳокамаси тугатил-ганлиги ҳолати мустасно) суд аризани қабул қилиниши рад эти-ши белгиланди.

Бешинчидан, биринчи ин-станция суди томонида ариза-лари ҳаракатсиз қолдириш инс-

титуту тугатилиб, аризани ва унга илова қилинган ҳужжатлар-ни қайтариш асослари ва тарти-би белгиланди. Бинобарин, ав-валги ФПКда аризани қабул қилиниши рад этувчи айрим асо-слар янги ФПКда аризани қайта-риш асосларига (195-модда) киритилди. Шунингдек, аризани қайтариш учун муқаддам ФПКда мавжуд бўлмаган куйидаги асо-слар киритилди: битта аризада бир ёки бир нечта жавобгарга нисбатан бир нечта талаб бир-лаштирилган бўлса, башарти бу талаблар ўзаро боғлиқ бўлмаса; иш юритишга қабул қилиш ва

Эндиликда судья аризани иш юритишга қабул қилиш тўғрисидаги, қабул қилиниши рад этиш ёки қайтариш ҳақидаги масалани ариза судга келиб тушган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ҳал этиши белгиланди.

ишни кўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилгунга қадар аризагача аризани қайтариш ҳақида ариза келиб тушган бўлса; мол-мулк-ни (ашёни) эгасиз деб топиш тўғрисидаги ариза қонунда бел-гиланган мuddатдан олдин ёки қонунда назарда тутилган мол-мулкни (ашёни) аниқлаш ва ҳисобга олиш тартиби бузиб бе-рилган бўлса.

Олтинчидан, қарши даъво таъсири ва қарши даъвои қабул қилиш шартларига доир моддалар ФПКнинг "Иш кўзғатиш" деб номланган 20-боби таркибига киритилди.

Маълумки, судда даъво иш-ларини кўзғатишнинг асосий шартларидан бири судга муро-жаат қилувчи шахслар доираси-ни ҳамда мурожаат қилиш шакл-ларини тўғри аниқлашдан иборатдир.

Муқаддам амалда бўлган ФПКнинг 5-моддасида суд фуқаролик ишини қайси ҳолларда кўзғатиши ўз ифодасини топган бўлиб, унга кўра:

1) ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфа-атини ҳимоя қилиши сўраб мурожаат қилган шахснинг ариза-си бўйича;

2) прокурорнинг аризаси бўйича;

3) агар давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ва ай-рим фуқаролар қонунга мувофиқ бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этишга ҳақи бўлсалар, уларнинг берган аризалари бўйича фуқаролик иши кўзғатилади.

Янги ФПКда суд фуқаролик иш-ини қайси ҳолларда кўзғати-ши мумкинлигини белгиловчи ва

Музаффаржон
МАМАСИДДИҚОВ,
Бош прокуратура Академияси
марказ бошлиғи

судга мурожаат қилувчи шахс-ларга бирмунча қулайлик яратув-чи ушбу махсус нормадан воз кечилди.

Янги кодексга судга мурожа-ат қилиш шаклига бағишланган махсус модда киритилиб, унга кўра, судга мурожаат қилиш фуқаролик ҳуқуқи муносабатлар-дан келиб чиқадиган низола-р бўйича — даъво аризаси шакли-да; буйруқ тартибиди иш юритиш бўйича, алоҳида тартибда юри-тиладиган ишлар бўйича, шу-нингдек ушбу кодексида назарда тутилган бошқа ҳолларда — ари-за шаклида; апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судлари-га мурожаат этилганда — шикоят (протест) шаклида амалга оши-рилиши, мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга электрон ҳужжат тарзида юбори-лиши мумкинлиги каби норма белгиланди (ФПКнинг 4-моддаси). Шу билан бирга, мазкур ко-дексда судга мурожаат қилиш шаклини такрорловчи нормадан ҳам воз кечилмади. Хусусан, ФПКнинг 188-моддасида судда ишлар ёзма шаклда, шу жумла-дан, почта орқали ёки электрон ҳужжат тарзида ариза бериш йўли билан кўзғатилишини назар-да тутувчи махсус норма белги-ланди.

Шу ўринда ўрганилган акса-рият хорижий давлатлар (Рос-сия, Украина, Қозғоғистон, Тожи-кистон) фуқаролик процессуал қонунчилиги таҳлили судга муро-жаат қилинаётган даъво ариза-сининг мантиқан бир-бирига айнаи бўлган мазмуни ва шакли-га оид қоидалар айнаи битта моддада белгиланганлигини қўрсатади. Бу эса процесс иш-тирокчиларига ФПК нормалари-дан фойдаланишда бирмунча қулайликларни юзга келтиради.

Мамлакатимиз ФПКнинг 4-моддасида судга фуқаролик ҳуқуқи муносабатлардан келиб чиқадиган низола-р бўйича даъво аризаси шаклида мурожаат қилиш белгиланган бўлса-да, мазкур кодекснинг "Иш кўзғатиш" деб номланган 20-бобида-ги моддаларида "даъво аризаси" эмас, балки "ариза" атамаси қўлланилган. Бу эса ҳуқуқшунос олимларимизнинг эътирозлари-га сабаб бўлиш, билан бир қатор-да, ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли талқинларга олиб келиши мумкин. Ўрганилган аксарият хо-рижий давлатлар (Россия, Укра-ина, Қозғоғистон, Тожикистон) ФПКнинг "Даъво ишиди юритиш" деб номланган бобида белгилан-ган иш кўзғатишга доир норма-ларда "ариза" эмас, балки "даъ-во аризалари" атамаси қўллани-лади. Шундай экан, мамлаки-тимиз ФПКнинг "Иш кўзғатиш" деб номланган 20-бобидидаги модда-ларда назарда тутилган "ариза" атамалари "даъво аризаси" тар-зида баён этилиши белгиланса, аввало, бу судга мурожаат қилув-чи шахсларга қулайликлар тугди-риши, шунингдек, қонунчиликда қўлланилган атамаларни бирхил-лаштиришга хизмат қилиши мум-кин.



Прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади. Қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

амалда ҳал этиб бериш чоралари кўрилди.

Мисол учун, Хитой, АҚШ, Германия, Туркия, Жанубий Корея, Россия, Ҳиндистон каби ривожланган давлатлар йирик хорижий компаниялари вакилларининг республикамиз барча ҳудудига ташрифлари уюштирилиб, уларга ҳудудларнинг инвестицион имкониятлари намойиш

мазкур тажриба бошқа вилоятларга ҳам жорий этилди.

Натижада бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида жами 8 триллион 973 миллиард сўм ва 272 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритиш ҳамда 94 минг иш ўринлари яратишни кўзда тутовчи 12 080 та инвестициявий лойиҳа ишлаб чиқилди.

роит яратилаётгани, таълим-тарбия масалалари қай даражада ташкил этилганига боғлиқ, албатта.

Президентимиз ташаббуси билан жорий этилган "Yoshlar — kelajagimiz" Давлат дастури навқирон авлод вакиллари ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда жула катта қаддам бўлди. Бу тарихий аҳамиятга эга ҳужжат ижросини таъ-

Қонун устуворлиги

**Давоми.
Бошланиши 1-бетда**

Ўтган йилда амалда оширилган ишларни сарҳисоб қилганда, тизим фаолиятини тақомиллаштиришга доир қатор ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Хусусан, тегишли ҳужжатлар асосида Бош прокуратура ва вилоят прокуратуралари ташкилий-штат тузилмалари ўзгартирилиб, янги 13 та ихтисослаштирилган бошқарма ва бўлим ташкил этилгани, Агротранспорт комплексидан қонунийликни, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Бош прокуратура ҳузурида Инспекция тuzилгани, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ташкилий тузилмаси тақомиллаштирилиб, фаолият соҳаси кенгайтирилгани ва янги-янги муҳим вазифалар белгилаб берилгани шулар жумласидандир.

Қолаверса, ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш мақсадида алоҳида тузилмалар — Бош прокуратурада Мўйноқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мустақил бошқарма, Хоразм вилоятида қишлоқ хўжалигига ихтисослаштирилган прокуратура ташкил этилди. Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини юритиш прокуратура ихтиёрига ўтказилди, бу масалага мутасадди алоҳида бошқарма ва бўлимлар очилди.

Ўтган йилда прокуратура органлари байроғи ва герби тасдиқлангани биз, прокуратура ходимларига катта гуруҳ ва ифтихор бағишлаб, бу тизимда ишлаётгани, халқимизга хизмат қилаётгани уларда шараф туйғусини янада кучайтирди. Албатта, прокуратурадаги ўзгаришлар ҳақида кўп гапиришимиз мумкин, асосийси, ходимларнинг дунёқарашини ўзгариб, ислоҳотларга масъулият ҳисси тобора ортмоқда.

2018 йилда Бош прокуратура раҳбарияти бошчилигида ишчи гуруҳлар ҳудудларга бориб, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, умуман, жойлардаги муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий чоралар кўрилди. Рақамларда айтиладиган бўлсак, ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган ўрганишларда 230 дан орტიқ долзарб аҳамиятдаги топшириқлар бажарилмагани аниқланиб, уларнинг ижобий ҳал этилиши таъминланди.

Жумладан, 144 та тadbirkorлик субъектига 114,5 миллиард сўм, 2,3 миллион евро ва 281,3 миллион АҚШ доллари миқдоридан кредит маблағлари ажратилишида ҳамда 26 миллиард сўм, 1,9 миллион доллар ва 2,5 миллион евро миқдоридан кредит маблағларининг қайтариш муддатини узайтиришда амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, тadbirkorлик фаолияти билан шуғулланиш учун 1 121 гектар ер майдони ажратилди, 126 та қишлоқ хўжалиги техника ва агрегати, 4 та экскаватор, 9202 донна маиший газ балони, уни ташишга мўлжалланган 19 та "ISUZU" русумли автотранспорт воситаси ҳамда 74 турдаги тиббий жиҳозлар етказиб берилиши таъминланди.

16 853 тadbirkorнинг ҳуқуқи тикланди

Ижтимоий соҳадаги муаммоларни ҳал этиш, аввало, янги иш ўринлари яратиш, фуқароларга иш топиб бериш аҳоли даромадларини оширишга боғлиқлигини барча яхши англаши зарур. Шу жиҳатдан, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, умуман, иқтисодий ўсишнинг асосий шarti — тadbirkorликни жадал ривожлантириш, инвестицияларни жалб этиш борасидаги вазифалар ижроси билан боғлиқ. Бу борада прокурорлар тadbirkorлар, хорижий инвесторлар билан учрашиб, уларни қўйиётган муаммоларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни

этилди, маҳаллий тadbirkorлар ва масъул идоралар ўртасида учрашувлар ўтказилгани аини мудоао бўлди. Ана шундай тadbirkorларда 200 дан орტიқ инвесторлар иштирок этиб, ташрифлар натижасида 77 нафар билан 1 миллиард АҚШ доллари билан 2 041 бўш турган объект хўжалик фаолиятига жалб этилиб, 7 256 та янги иш ўрни яратилди.

Умуман олганда, бу йилги фаолиятимизда тadbirkorларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга қаратилган қонунлар ижроси доимий назоратга олинди. Кўрилган тadbirkor натижасида 16 853 тadbirkorнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, мутасадди идоралар билан ҳамкорликда 2 889 нафарининг эса фаолияти тикланишига эришилди.

Мамлакат тақдири бугун ёшларга қай даражада эътибор берилаётгани, уларнинг иқтидор ва салоҳиятини намойиш этишлари учун қанчалик ша-

минлашда прокурорлар ҳам фаол иштирок этди.

Жумладан, прокуратура органлари кўмағида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда 5 100 дан орტიқ ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, ёшларнинг муаммоларини аниқлаш ва амалда ҳал этиш чоралари кўрилди. Аниқланган камчиликларнинг 77,5 мингтаси ечимини топи, шу жумладан, 44,5 минг нафар ёшлар касали бўлиб, 3,4 минг нафари ишанчиликка жалб этилди. 4,6 минг нафарига 10,1 минг гектар ер майдони ажратилиб, 305 нафари тadbirkorлик фаолиятини амалда ошириш учун бино билан таъминланди.

Жойларда 109 та "Yoshlar mehnat guzari" ташкил этилди, 18 та "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази фаолияти йўлга қўйилди, тadbirkorлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини дағи ёшларга 375,7 миллиард сўм кредит ажратилишида кўмаклашилди.

«ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРЛАРИ ИЖРОСИ БЎЙИЧА

1340 та ижтимоий соҳа объектининг белгиланган муддатларда курилиши ва таъмирланиши назоратга олинди.



420 та ҳолатда **8,4 млрд.** сўмлик сифатсиз ишлар бажарилгани аниқланди ва камчиликлар бартараф этилди.

159 та тумандаги **417 та** қишлоқ ҳамда **41 та** туман ва шаҳарлардаги **105 та** маҳаллада уй-жойлар, йўллар, инфратузилма объектларини янгидан қуриш ва таъмирлашда кўмаклашилди.



Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва коллекторлар атрофини тартибга келтириш бўйича **1320 та** ноқонуний қурилма бузилди, **153 км.** узунликдаги каналлар тозаланди.

«Кабинетда ўтириб» назорат қилиш тизимидан воз кечилди

Яқунланган йил кўплаб истиқболли лойиҳаларнинг амалда оширилиши билан ҳам гоғята аҳамиятли бўлди. Ижтимоий соҳадаги лойиҳалар рўёбда прокуратура органлари четда томошабин бўлиб турмади. Чунончи, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Очиғи, бу масалада прокурорларга "кабинетда ўтириб" назорат қилиш эмас, балки ишларни жойида ташкил этишга кўмаклашиш, масъул идоралар тизимли ишларини таъминлаш, муаммоларни ҳал этишда амалий ёрдам бериш топирилди. Шу асосда бу дастурлар ижросини таъминлашда прокурорларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшди.

Тошкент шаҳри ҳудудидан оқиб ўтувчи канал ва коллекторлар атрофини тартибга келтиришга қара-

тилган тadbирлар ташкил этилиб, қирғоқ бўйидаги 1 320 та ноқонуний қурилма бузилиши ҳамда 153 км. узунликдаги каналлар тозаланишига, 159 та тумандаги 417 та қишлоқ ҳамда 41 та туман ва шаҳарлардаги 105 та маҳаллада уй-жойлар, йўллар, инфратузилма объектларини янгидан қуриш ва таъмирлашда кўмаклашилди.

Манзилли дастурга киритилган 1340 та ижтимоий соҳа объектнинг белгиланган муддатларда қурилиши, реконструкция ва капитал таъмирлини ҳамда фойдаланишга топширилиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан тизимли прокурор на-

79 та лойиҳа ишлаб чиқилди. Орол денгизи қирғоқларида "яшил қалқон" барпо қилиш учун оммавий саксовул экиш тadbири ташкил этилиб, 2 976 гектарага ўсимлик экилиши таъминланди.

Туманнинг архитектура ва шаҳарсозлик қиёфасини тубдан яхшилаш мақсадида Бош режа лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу лойиҳа бўйича туманда жами 20 та, шу жумладан, 2019 йилда 10 та, 2020 йилда 10 та кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда амалга оширилган илоҳотларнинг энг муҳимларидан яна бири — солиқ концепциясини самарали амалга ошириш ҳисоблана-

тadbирлар натижасида жами 3,3 триллион сўмлик қўшимча маъба аниқланиб, 2,6 триллион сўми ундирилди, 66 094 та субъектнинг фаолияти қонунийлаштирилди, 6 932 таси қайта рўйхатга олинди, 13 335 тасининг фаолияти қайта тикланди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳаси — иқтисодий тизимнинг муҳим тармоғи. Шу боис кейинги йилларда ушбу йўналишда ҳам катта ўзгаришларга қўл урилди. Агрорасаноат комплексини қонунийликни ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ҳузурида соҳага масъул алоҳида Инспекция тузилди, бу ҳам янши янгиликлардан бири бўлди.

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЙўНАЛИШИДА



16 853 нафарининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.



1 121 гектар ер майдони ажратилди.



114,5 млрд. сўм,
2,3 млн. евро,
281,3 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

адолат мезони

қарорлари бекор қилинди, 53 мингдан зиёд ёзма кўрсатмалар берилди.

Жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш, судларнинг чинаяк мустақиллигини таъминлашга кўмаклашиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 5 323 та суд қарори прокурорлар протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органлари фаолиятида ҳам жонланиш кузатилдики, бунини ушбу рақамлар ҳам тасдиқлайди. Утган йили Бюро томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган энергия ресурслари ва ичимлик суви учун 35,9 триллион сўм, ижро ҳужжатлари бўйича 24,5 триллион сўм маблағлар ундирилди.

Департамент ходимлари эса "хуфиёна" иқтисодиётга барҳам беришда жонбозлик кўрсатишди. Валюта соҳасида ноқонуний муомаладаги 3,4 миллион АҚШ доллари ва 37,8 миллиард сўм олиб қўйилди, 847 миллиард сўм маблағлар бюджетга қўшимча ҳисобланди.

Умуман олганда, қўлга киритган ютуқлар ўзимизники. Аммо унга маҳлиё бўлиб қолиш катта ҳаттодир. Шу боис жамиятга ҳар соҳада, ҳар тармоқда прокурор назоратини ўрнатган ҳолда, адолатнинг қарор топшириш бизнинг асосий вазифамиз бўлиши керак. Зеро, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидамай олмайд.

Жорий — 2019 йилда олдимизда бир қатор вазифалар бор. Бунинг аввало, Президентимизнинг парламентга Мурожаатномасида белгилаб берилган устувор вазифалар асосида ташкил этамиз. Қолаверса, йилнинг "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" деб эълон қилинган муносабати билан барча тadbирнинг аниқ ва сўзсиз бажарилишини таъминлашга астойдил ҳаракат қиламиз. Бу бизнинг касбий бурчимиз. Унга содиқ бўлиш эса, халқни рози қилиш, Ватанинг севини, жамиятга муносиб ҳисса қўшиш билан баробардир.

«YOSHLAR — KELAJAGIMIZ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда ёшлар муаммолари ўрганилиб, аниқланган камчиликларнинг **77,5** мингтаси ижобий ҳал этилди.

44,5 минг нафар ёш ишли бўлди.

3,4 минг нафари касаначиликка жалб этилди.

4,6 минг нафарига **10,1** минг гектар ер майдони ва **305** нафарига бино ажратилди.

109 та "Yoshlar mehnat guzari"; **18** та "Yosh tadbirkorlar" коворкинг-маркази фаолияти йўлга қўйилди.

375,7 млрд. сўм кредит ажратилишида кўмаклашилди.

Прокурорлар ва Инспекция ходимлари томонидан қишлоқ ҳўжалигининг барча йўналишида назорат тadbирлари ўтказиб борилди, фермерлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, агротехника тadbирларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш, умуман, соҳада қонунийликни таъминлаш чоралари қўрилди.

Мисол учун, назорат тadbирлари давомидан фермер ҳўжалиги ишчи-ходимларининг 9 миллиард 392 миллион сўмлик иш ҳақлари, 3 миллиард 749 миллион сўмлик дебитор қарздорликларини ундириб берилиши таъминланди, деҳқон ва фермер ҳўжаликлари манфаатларини кўзлаб судларга 54 миллиард сўмлик 1 972 та ариза киритилди. Кўрилган чоралар натижасида 5 574 нафар шахсининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

«Хавфсиз пойтахт» концепцияси: натижалар қандай?

Сир эмас, юртимизда "Хавфсиз пойтахт" концепциясини татбиқ қилиш масаласи устуворлик касб этмоқда. Бу Ўзбекистонни хавфсиз ва тинч ҳудудга айлантириш, фуқароларимизнинг осойишта ҳаёт кечириши, жиноятчиликка қарши курашни мутлақо янги ва замонавий талаблар асосида ташкил этишда фоят муҳим. Утган йили асосий эътибор ҳуқуқбузарлик ёки жиноят оқибатига эмас, балки уларни барвақт аниқлаб, баргараф этишга қаратилди.

"Хавфсиз пойтахт" концепцияси жорий этилгани ҳам бу борада катта қадам бўлди. Пойтахтда ташкил қилинган уч сменалик хизматда прокуратура ходимлари ҳам график асосида иш олиб бормоқда. Умуман, сўнгги икки йил мобайнида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида бошланган илоҳотлар ўз натижаларини кўрсата бошлади. Жиноятчиликнинг пасайиш тенденцияси кузатилди.

Эътибор беринг, Ҳамдўст-

лик давлатларидаги вазият билан солиштирсак, ҳар 100 минг аҳолига жиноятлар сони 2017 йилда Ўзбекистонда 228 тани ташкил этган. Бу кўрсаткич Тожикистонда 249 та, Қирғизистонда 447 та, Қозғистонда 1 754, шунингдек, Озарбайжонда 265, Арманистонда 681, Беларусда 909, Россияда 1 402 тани ташкил қилади.

Тан олиш керак, амалиётда жиноятларни ҳисобдан яшириш, статистикани бузиб кўрсатиш ҳолатлари долзарб муаммо бўлиб келган. Айни пайтда давлатимиз раҳбарининг топшириқлари асосида Ички ишлар вазирлиги Ахборот марказини Бош прокуратура ихтиёрига ўтказиш бўйича амалий ишлар олиб бориламоқда.

Шунингдек, Президентимизнинг тегишли ҳужжатига биноан, Бош прокуратура ҳузурида Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармаси, вилоятларда унинг бўлимлари ташкил этилди. Жиноятлар ҳисобини юритишда шаффофликни таъминлаш мақсадида "Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика" ягона ахборот тизими ишлаб чиқилиб, 1 мартдан тўлиқ ишга туширилишида катта маъно бор. Зеро, бу тизим жиноятларни ҳисобга олишда инсон омилани бутунлай истисно қилади ҳамда қатор вазифаларни инновацияни йўл билан ҳал этиш имконини беради.

«Хуфиёна» иқтисодиётга ўрин йўқ

Инсон — қадри улуг. Шу маънода, тергов ва суриштирув фаолияти устидан назоратга эътибор қаратилиб, бу жараёнда инсон ҳуқуқлари бузилишида олдини олиш чоралари кўрилмоқда. Прокуратура терговчилари томонидан 7 434 та жиноят иши тергов қилинди, аниқланган 1,5 триллион сўмлик зарарнинг 1,4 триллион сўми ундирилиши таъминланди. Тизим ходимлари томонидан суриштирув ва дастлабки тергов органларининг 10 мингдан ортқ

зорати ўрнатилди. Ишчи гуруҳлар томонидан 13 398 та мониторинг тadbири ўтказилиб, 420 та ҳолатда 8,4 миллиард сўмлик сифатсиз ишлар бажарилгани аниқлангани ва камчиликлар баргараф этилгани ана шундан далолат беради.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича катта куч сафарбар этилган. Бу эса мўйноқликлар ҳаётига ўзгача мазмун олиб кирди. Бунда Бош прокуратура қошида Мўйноқ туманини ривожлантириш бўйича алоҳида бошқарма ташкил қилингани катта аҳамият касб этди. Ҳозир ушбу бошқарма томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда туманда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, тadbиркорликни ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш мақсадида

ди. Бу борада қонунлар ижросини аниқ ва бир хилда ташкил этиш, қонунга итоаткор солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, "хуфиёна" иқтисодиётга барҳам бериш орқали солиқ базасини кенгайтириш, бюджетга тушумлар кўпайтирилишини таъминлаш прокуратура ходимларининг устувор вазифасидир. Шу мақсадда Бош прокуратурада алоҳида бошқарма, вилоят прокуратураларида эса тегишли бўлимлар ташкил этилди.

Қўйилган вазифалар ижросига масъул Бош прокурор ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ўринбосарлари, туман-шаҳар прокурорлари ўринбосарлари ва ёрдамчилари лавозимлари жорий қилинди.

Бу ўзгаришлар бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Яъни тегишли идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган

Халқ таълими вазирлиги томонидан «Ўқитувчи мақоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига жойлаштирилди.

ФУҚАРОЛАРНИНГ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

муҳим вазифамиздир

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 5 та устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалий рўёбга чиқариш доирасида қабул қилинган 20 дан ортиқ қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 180 дан ортиқ фармон ва 450 дан ортиқ қарорларида назарда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш ҳозирги босқичда кўзланган мақсадларга эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Харакатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни сўзсиз амалга ошириш, ишни ташкил этиш, биринчи навбатда, жамоатчилик олдида ҳисоб бериш шакллари ва услубларини тубдан такомиллаштириш, аҳолининг ҳаёт сифати ва даражасини юксалтириш, давлат органлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги ҳолатларининг юзга келишига қатъий равишда барҳам бериш ҳамда маҳаллий давлат органлари ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, сектор раҳбарларига ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларини ташкил этиш ва ҳал қилиш, шу жумладан, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ечиш юзасидан жавобгарлик юклаш ҳамда ваколатлар бериш вазифа-

ларни аниқлаш ва ечимини топиш бўйича кунлик график жадваллари ишлаб чиқилиб, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича янги тизим жорий қилинди.

Мазкур йўналишда жорий қилинган ушбу тизим ҳақида тўғри, ўзининг ижобий самараларини берди.

Юртбошимизнинг секторлар фаолиятини амалга ошириш юзасидан берган кўрсатмалари асосида туман-шаҳар прокурорларига қатъий топшириқлар берилиб, уларнинг ижроси алоҳида назоратга олинди.

Қизилтепа, Конимех тумани, Зарафшон шаҳридаги жами 51 минг 250 та хонадонга уйма-уй кирилиб, уларнинг яшаш шароити, турмуш тарзи, моддий аҳоли ўрганиб чиқилди ҳамда 2 221 та хонадонга турли йўналишларда амалий ёрдам кўрсатилди, муаммоларнинг жойида ҳал қилиниши таъминланди. Хусусан, уйма-уй юриш натижасида Зарафшон шаҳрида ишга

Зарафшон шаҳрида 709 нафар ишсиз фуқаро ишга жойлаштирилди.

лари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги "Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан, Навоий вилоят ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга биноан вилоят ҳудуди 4 сектор раҳбарларига бўлиниб, Конимех ва Қизилтепа туманлари ҳамда Зарафшон шаҳрини комплекс иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни амалга ошириш вилоят прокурорига юклатилди.

Урганишлар давомида секторлар ишларини мониторинг қилувчи ишчи гуруҳ аъзолари белгиланган тартибда жойларга чиқмагани, айрим ходимларнинг гуруҳ таркибига кирганини билмаслиги, мавжуд муаммоларни ечиш билан боғлиқ мутахассислар ишчи гуруҳ таркибига киритилмагани каби ҳолатлар аниқланган. Ушбу камчиликлар сектор ишчи ташкил қилишда муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлган.

Худудларда аниқланган муаммоларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиш ва умумлаштиришлар асосида вилоят прокурори ҳузурда ўтказилган йиғилишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш ҳамда иш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят ҳокими қарориде белгиланган ишчи гуруҳ таркибига ўзгартиришлар киритилиб, қўшимча мутахассислар жалб қилиниши таъминланди.

Шунингдек, вилоят прокурори томонидан ишчи гуруҳ ҳар бир аъзосининг хизмат вазифаси тасдиқлаб берилди. Мавжуд муаммо-

ларнинг 787 нафар фуқародан 709 нафарининг иш билан бандлиги таъминланди. Касаллиги аниқланган 82 нафар фуқародан 78 нафарининг чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши, 44 нафар фуқарога банк кредитлари ажратилиши, 8 нафарига фуқаролик паспорти олишда амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланди. "Дағизтоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолини таша ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 1,8 км. узунликдаги янги сув тармоғи тортилди ва ишга туширилди.

Шу каби Қизилтепа туманида 334 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, 163 нафарига банк кредити ажратилишида амалий ёрдам кўрсатилди. 141 нафар фуқаро чуқурлаштирилган тиб-

"Қизилтепа Юксалиш" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига вилоят прокуратураси аралашуви билан 90 миллион сўм кредит олиб берилди.

бий кўриқдан ўтказилди, 39 нафар фуқаронинг уй-жой кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож 12 нафар фуқаро тиббиёт воситалари ва ногиронлик аравачалари билан таъминланди.

Конимех туманининг олис чўл худудларида истиқомат қилувчи 50 дан ортиқ фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди, 76 нафар ишсиз аёл тумандаги "Конимех Текс" тикув цехига ишга жойлаштирилди, 40 нафар фуқаронинг жамоат ишларига жалб қилиниши таъминлан-

ди. 22 нафар фуқарога имтиёзли банк кредити ажратилишида кўмаклашилди, 5 нафари тиббиёт воситалари ва ногиронлик аравачалари билан таъминланди.

Худудларда ижтимоий-иқтисодий объектларнинг куз-қиш даврига тайёргарлиги аҳоли ҳам доимий эътиборда бўлиб, қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, биргина ўтган йилнинг ноябрь ойида Қизилтепа туманидаги "Қизилтепа Юксалиш" хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан хизмат кўрсатиладиган "Ўзбекистон" шох кўчасидаги 8 та кўп қаватли уйларда ёриткичлар ўрнатилмагани, ободонлаштириш ва тозалаш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилгани аниқланди. Вилоят прокуратураси аралашуви билан ушбу ширкатга 90 миллион сўм миқдорда банк кредити олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Камчиликлар жойида бартараф этилиб, айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, жиноятчилик ва ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилиш юзасидан ўтказилган кенг қамровли тадбирлар натижасида содир этилган жиноятлар сектор ҳудудидаги Қизилтепа туманида 53 тага, Конимех туманида 32 тага, Зарафшон шаҳрида 52 тага камайишига эришилди.

Шу билан бирга, жойларда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш бўйича Қизилтепа туманидаги "Ғамхўр" маҳалласида истиқомат қилувчи кам таъминланган оилалардан Б.Ражабов, Ш.Юсупова, Б.Ҳожиёв, И.Аслоновларга, "Сарой" маҳалласида истиқомат қилувчи А.Розиқовга, "Ҳасанча" маҳалласида истиқомат қилувчи Ж.Очиловга, "Бободўғи" маҳалласида истиқомат қилувчи Ш.Фойловларга тикув машиналари олиб берилди. "Гулбоғ" маҳалласидаги

фуқаролар М.Розиқова, Д.Ҳаққулова, Х.Ғафоровларнинг иш билан бандлигини таъминланди.

Бир сўз билан айтганда, ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тизими давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг талабларига янада масъулият билан ёндашиб, халқ дardини эшитиб, уларнинг ғам ва ташвишларига шерик бўлиб, муаммоларини ҳал этиш шарафлиб, ва масъулиятли бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим.

Комил ЁРИМБЕК,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори



FAOLIYAT

ХОРАЗМДА БАЛИҚЧИЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Сайидвали ХИМОЙДИНОВ,
Хоразм ихтисослаштирилган прокурорининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2018 йил 6 ноябрда "Балиқчилик соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарор қабул қилинган эди. Қарорга асосан, республикада балиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришга замонавий ва инновацион услубларни жорий этиш, шу орқали балиқ ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш бўйича қатор вазирлик ва идораларга тегишли вазифалар юклатилди.

Дарҳақиқат, ҳам парҳезбop, ҳам ҳамёнбop ушбу маҳсулотни етиштириш, қайта ишлашни кенг йўлга қўйиш орқали иқтисодийетимиз ҳам ривожланади. Давлатимиз раҳбари 2018 йил ноябрь ойида Хоразм вилоятига ташрифи давомида халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, мутасаддиларга 10 кун муддат ичида вилоятда балиқ етиштиришни 2019 йилда 20 минг тоннага, 2020 йилда 30 минг тоннага етказиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлашни топширган эди.

Балиқчилик хўжаликлари тўғрисидаги маълумотлар турли ташкилотларда турлича рақамларда кўрсатилган.

Вилоятда ташкил қилинган ихтисослаштирилган прокуратура томонидан балиқ етиштириш иншоотлари ва қурилмаларини барпо этиш, инвестиция киритиш, балиқ маҳсулотларини қайта ишлашга оид маълумотлар таҳлил қилинди. Аниқланишича, қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва унинг қўйи бўлимлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан балиқчилик хўжаликлари тўғрисидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги шубҳа туғдирувчи ҳисоботлар тақдим этиб келинган. Айрим маълумотлар бир-бирига тўғри келмайди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва ер ресурслари кадастри бошқармаси маълумотларига кўра, балиқчилик хўжаликлари сонини 536 тани, уларнинг кўл майдонлари 9 786 гектарни ташкил қилади. Вилоят ветеринария бошқармаси ҳисоботларида хўжалиқлар 491 та, уларнинг кўл майдонларини 5467,6 гектар, статистика бошқармасида эса хўжалиқлар 553 та ва уларнинг кўл майдонларини 5335,3 гектар деб кўрсатган. Солиқ идоралари ҳужжатларида эса рақамлар янада бошқача.

Шуларни инобатга олган ҳолда, вилоят бўйича балиқчилик хўжаликлари фойдаланишида бўлган табиий ва сунъий сув ҳавзаларини тўлиқ хатловдан ўтказиш белгиланиб, шу мақсадда вилоят миқёсида ва туманларда ишчи гуруҳлар ташкил қилинди. Ишчи гуруҳлар таркибига мутасадди идоралар вакиллари киритилди. Хатлов жараёнида балиқчилик хўжаликлари фаолият юритиши асослари, хўжалиқлар қайси йўналишга ихтисослашганлиги, моддий-техника базаси, самарасиз фойдаланиб келинаётган сув ҳавзаси майдони ҳажмлари ўрганилади. Урганишлар якуни бўйича вилоят ҳокимининг махсус қарори қабул қилиниши кутилмоқда. Мақсадимиз давлатимиз раҳбарининг қарори ижросини таъминлаш, балиқчилик тармоғи ривожига ҳисса қўшишдир.

Тиббий кўриқдан ўтмаган тиббиёт ходимлари

Инсон учун саломатликдан улуг неъмат йўқ. Соғлом инсонлардан соғлом фарзандлар дунёга келади. Келажак буюк миллат яратилади. Шу боис ҳам давлатимизда тиббий хизматни яхшилаш, аҳоли учун намунали хизмат кўрсатиш тизимини янада ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Янги-янги замонавий шифохоналар қурилиб, халқимизга туҳфа қилинмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси томонидан Республика тиббиёт бирлашмаларида соҳага оид қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши бўйича олиб борилаётган ишлар ўрганилганда бу борада бир қатор ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлиги маълум бўлди.

Ўрганишлар давомида асосий эътибор болаларда учраётган касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш, болалар тиббий кўригини ва доволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитария-гигиена ҳамда моддий-техника базасидан фойдаланишга қаратилди.

Хўжайли тумани Тиббиёт бирлашмасига қарашли "Ойбек", "Қорақалпоғистон" киш-

лоқ оилавий поликлиникаларидаги ўрганишларда юзлаб болаларнинг тиббий кўриқдан ўтказилганлиги ҳақидаги маълумотлар умуман мавжуд эмаслиги, шунингдек, тиббий кўриқдан ўтказилган болаларнинг қон таҳлилларида суякбўғим касалликлари аниқланган бўлса-да, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилмаганлиги аниқланди.

Кегейли тумани Тиббиёт бирлашмасида эса болалар ва ўсмирлар ҳамда туғиш ёшида-

ги аёлларда касалликларни эрта аниқлаш, ижтимоий ҳавфли касалликлар, яъни сил, тери-таносил, хавfli ўсма касалликларини аниқлаш мақсадида ташкил қилинган чўқурлаштирилган тиббий кўриқлар тегишли мутахассисларсиз ўтказилаверган.

Болаларда касалликлар аниқланган бўлса-да, уларни соғломлаштириш чоралари кўрилмаган.

Айрим тиббиёт бирлашмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Қонуни ва санитария тўғрисидаги меъёрий ҳужжатларнинг ижросига етарлича аҳамият берилмаган. Тахтакўпир ва Кўнгирот туманлари Тиббиёт

Ҳакимжон ЭРҲАШЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг катта ёрдамчиси

бирлашмаларининг қабул бўлимлари оддий дори-дармон воситалари, Беруний тумани Тиббиёт бирлашмасининг жарроҳлик ва урология бўлимлари иссиқ сув ва бошқа тиббий буюмлар билан таъминланмаган.

Тахтакўпир тумани Тиббиёт бирлашмасида ўтказилган ўрганишлар давомида айрим шифокор ва ходимларнинг ўзлари тиббий кўриқдан ўтмасдан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўшбу масалга оид махсус буйруғи талабларини бузиб келишаётгани аниқланди.

Юқорида айтиб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларнинг интизомий жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдимнома киритилди.

JINOYAT VA JAZO

Ор-номусини унутган

аёлнинг беҳаё тасвирлари Интернетда тарқаб кетдими?

Одатда тоғани отадек улуглаймиз, холани она ўрнида кўрамиз. Шунинг учунми, кези келганида ҳола-ларнинг онадан ортқ меҳрини туямиз. Қалблар уларга интиламиз. Онамизга айтишга истиҳола қилган инжу ниятларимизга холаимизни элчи қиламиз. Энг яқин дардхал сифатида уларга ишонамиз. Шунинг учунми, хола деганда кўз олдимизда онадек мунис ва муштипар сиймо гавдаланаверади.

Холалар ҳақида ана шундай ташбеҳларни узоқ давом эттиришни истаймиз. Уларга бўлган меҳримизни янада жўшқинроқ ифода этгимиз келверади. Бироқ... Ён-атрофимизда содир бўлаётган баъзи ҳолатлар бир зум бизни гангитиб қўяди. Наҳотки хола ва жиян ўртасидаги муносабатлар шу қадар ошқоралашиб, беҳаёликка, шармандаликкача бориб етаётган бўлса, деган ўй хаёлимиздан ўтади. Ўз уйида жиянини бузуқ аёлларга қўшадиган холалардан, очиги, жирканиб кетамиз. Энг қабих иллат, насл ва насабга бир умрлик доғ бўлиб тушгучи фахш ишларга шерикчилик асосида бош қўшаётган хола-жиянларнинг борлигидан афсусланамиз.

Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг уч фарзанди билан ёлғиз қолган Раъно Толибова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) зериккан кезларида дугонаси Фаридани уйига чақириб ҳасратлашиб турарди.

Аёл ва эркакнинг жирканч иши тасвирланган видеони телефонига ўтказиб олган Фаридани, ундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланди.

Навбатдаги меҳмондорчиликда Раъно бошқа бир дугонаси Наргизани ҳам уйига таклиф қилди. Фаридани ёши қирқдан ошган бўлса-да, чиройини йўқотмаган бу аёлнинг бошқа эркаклар билан

пинҳона дон олишиб юришини яхши биларди. Наргиза келгач, суҳбат яна ўша мавзуга уланди. Гап орасида Наргиза аввалга чайналиб турди, кўнглидагини ошқор қилди. Шу топда Фариданинг ёдига жияни Жаъфар келиб, уни Раънонинг уйига таклиф қилди. Жаъфар Наргизани кўриб, унга суқланиб қаради. Фаридани жиянига маъноли кўз қисиб, Раъно билан бошқа холага ўтиб кетди...

Жаъфар ювиниш хонасига ўтаётиб, телефонини стол устида қолдирди. Шу пайт телефон жиринглаб, Фаридани кўнғироққа жавоб бериш учун телефонни қўлига олди. Бироқ уни вақтида олишга улгурмагач, бекорчиликдан жиянининг телефонини титқилай бошлади. Кутилмаганда Фариданинг Наргиза билан ҳозиргина қилган жирканч иши тасвирланган видеони кўриб қолиб, сездирмасдан ўзининг телефонида ўтказиб олди.

Меҳмонлар тарқалишгач, Фаридани Раънога кўчириб ол-

ди киши Наргизага кўнғироқ қилиб, зарур иш ҳаёнасидани уни уйига таклиф этади.

— Энди, дугонажон, гап бундай. Агар мана бу видео бошқа жойга қийиб кетмасан десанг, биз айтган пулни беришингга тўғри келади, — Фаридани Жаъфар билан қилган фахш иши туширилган видеони кўриб, қараётган Раънога тушиб қолган Наргизага яқинлашиб, унинг қўлига шивирлади. — Агар йўқ десанг, видеони эрингга, қариндош-уруғларингга жўнатиб, шармандаг-

он 164 минг сўмлик пластик карточкасини олиб, қоронғи тушганда Раънонинг уйига қайтиб борди.

— Ҳозирча шу пулни топдим. Озгина кутсанлар, қолганини ҳам бераман. Фақат илтимос, видеони ҳеч қаерга таркатманлар. Уйим куйиб кетади.

Фаридани ва Раъно қатъий бир кунни белгилаб, Наргизани жавоб беришди. Айтилган муддат келдиёмки Наргизани бошқа пул тополмади. Аммо товламачилар унга кўнғироқ

Жавохир РАҲМАТОВ,
Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганивчи

Қарши шаҳар судида мазкур иш атрофлича кўрилиб, Фаридани Холмунинова ва Раъно Толибованинг ҳар бирига энг кам ойлик шў ҳақининг 100 баравари миқдориди жарима жазоси тайинланди.

Ҳа, номуссизлик, гуноҳ ишлардан тийилмаслик, жирканч кўчаларда тентирашнинг охи-



ни чиқарамиз. — Қанча берсам, ўчириб ташлайсизлар? — Наргиза кўзларидан оқайтган шашка-тор ёшларини артиб, Раънога илтижоли қаради. — 8 миллион сўм. — Фаридани хаёлига келган суммани айтиб юборди.

Наргиза ҳолсизгина ўридан туриб, ташқарига чиқди. Кеңгача пулни олиб келишини айтиб, ортига қайтди. Уйига келгач, йиғиб қўйган 1 миллион 500 минг сўм нақд пул ва турмуш ўртоғининг 1 милли-

қилиб, видеони интернетга қўйиб юбориш билан таҳдид қила бошлади. Шундан сўнг Наргиза бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Осонгина йўл билан каттагина пул ишлаб олиш ҳавасида бўлган дугоналар Наргизанинг "сотиб" қўйишини хаёлига ҳам келтиришмаганди. Ўтказилган тезкор тадбирда товламачилар жиноят устида қўлга олинди.

Жиноят ишлари бўйича

ри, албатта, вой бўлади. Агар аёлларнинг таржимаи ҳолига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг учаласи ҳам оилали, икки-уч нафар фарзанднинг онаси. Аммо ҳаётда номуссизликни одат қилиш учун бу мезонлар камлик қиларкан, чоғи. Йўқса, юқорида ҳикоя қилганимиздек ҳолат юзага келмаган бўларди. Жабрланувчи сифатида ўзини бечораҳол кўрсатиб турган Наргизанинг ўз оиласига қилган хиёнатини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмади.

Хеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият тушунчаси худди эгизак каби доим бирга, ёнма-ён қўлланилади? Бир инсон мисолида оладиган бўлсак, унинг ҳуқуқий онги ҳуқуқий саводхонлигидан, ўз ҳуқуқини танишидан ва қонунлардан қай даражада хабардорлигидан дарак берса, ҳуқуқий маданияти унинг қонун талаб қиладиган мажбуриятларини бажариши, қонунга итоаткорлик ва уларга қай даражада риоя қилишида намоён бўлади. Бундан кўринадики, ҳуқуқий саводхонликсиз ҳуқуқий маданиятнинг ўзи бўлмайди. Ўз навбатида ҳуқуқий маданияти юксак бўлмаган одамда ҳуқуқий онг қанчалик юқори бўлмасин, жамият бундан фойда кўрмайди. Чунки, ҳуқуқини билгани билан бурчини бажаришни истамайдиган кимсаларга Ватан тақдирига дахлдорлик, мамлакат тараққиётига ҳисса қўиши туйғулари бегона бўлади.

ЮКСАК ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ КАФФОЛАТИ

Демак, фуқаролар давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқни, жамият олдиданги бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, амалга оширилаётган ислохот ва янгиланишлар борасидаги саъй-ҳаракатлар қутилган натижани бермаслиги мумкин. Бу эса ислохотлар муваффақиятли амалга оширилиши фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксак бўлиши билан бевосита боғлиқ эканлигини англатади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислох қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар қилинди. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўққинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда. Хусусан, аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шу ва шу каби мавжуд муаммолар аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш жараёнларига янгича ёндашуви, бу йўналишдаги давлатимиз сиёсатида самарали механизмларни амалга татбиқ этишни талаб қилмоқда.

Шу мақсадда жорий йилнинг 9 январь куни Президентимизнинг "Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш "шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият" принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгилаб қўйилди.

Фармон билан Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш концепцияси ва Концепцияни 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" тасдиқланди. Концепция-

да оилада, таълим муассасаларида, маҳаллаларда, давлат органлари ва ташкилотларида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масалалари белгилаб олинди.

Концепция доирасида Конституцияни ўргатишга доир илк тушунчалар, кундалик ҳаётда қўллашга мўлжалланган бошланғич ҳуқуқий билимлар, ҳуқуқий ўйинлар, машғулотлар ва дастурлар бўйича услубий

Давлат органлари ва ташкилотлар ходимлари учун "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълоҳиси" кўкрак нишони таъсис этилади.

қўлланмалар ҳамда оилада ҳуқуқий саводхонлигини оширадиган, ҳар бир элементар ҳуқуқий билимларни ўргатишга қаратилган ва кундалик ҳаётдаги муҳим масалалар юзасидан ҳуқуқий қўлланма ҳамда зарур маълумотлар билан таъминлашни назарда тутувчи болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратилиши режалаштирилди.

Бундан ташқари, болалар учун ҳуқуқий мавзуларда ва одоб-ахлоқнинг оддий ҳамда кундалик қоидаларини билишни, ватанпарварлик, қонунларни ҳурмат қилиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва миллий қадриятларини ўргатишни тарғиб қилувчи мультимедиа фильмлар, ҳуқуқий ахборот етказишга ва кундалик турмушда қўлланиладиган нормаларни ўргатишга қаратилган аудиоэртрак, кинофильм ва киножурналлар яратилиши ҳам назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда маҳалланинг ўрни ҳам беқиёс. Чунки маҳалла инсонларни ўзаро бирлаштирадиган макон ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Фармонда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда маҳалла институтининг ролини кучайтиришга ҳам урғу берилган бўлиб, эндиликда маҳаллаларда "Ҳуқуқий ахборот куни" лойиҳаси амалиётга жорий қилинади. Бундан аниқ бир кунда режалаштирилган йўналиш бўйича малакали мутахассислар, мисол учун, адвокат ёки нотариуслар каби ҳуқуқ соҳаси вакиллари томонидан аҳолига тушунтиришлар бериб борилади.

Булардан ташқари, Концепция доирасида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш" ва "Инсон ҳуқуқларини ўрганиш" махсус ўқув курсларини барча таълим турлари бўйича ўргатиш жорий этилади. Ёшлар орасида "Street law" (Кўча ҳуқуқи) лойиҳасини жорий қилиш учун ҳуқуқшунос талабалар, юридик коллежлар ўқувчилари, нодавлат ташкилотлар вакилларидан иборат кўнгиллилар гуруҳи шакллантирилади. Шунингдек, аҳолини қизиқтирган

ҳуқуқий мавзулар юзасидан "Сўров бўйича ҳуқуқий тарғибот" лойиҳаси амалга оширилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳат шуки, эндиликда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлар ходимларига "Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълоҳиси" кўкрак нишони топшириладиган бўлди. Икки ой муддатда кўкрак нишони тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида Ҳуқумат қарори эълон қилинади.

Маълумот ўрнида айтиб ўтамиз, Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланди. Шу муносабат билан вазирликка ижрочилар ва аҳолини қонунчилиқнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тўғрисида хабардор қилишнинг сифатини тубдан ошириш, ушбу фаолиятни ташкил қилишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳуқуқий ахборотдан кенг қўламда фойдаланишини таъминлаш, аҳолининг турли қатламларининг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишнинг замонавий механизмларини жорий этиш бўйича тақлиф ишлаб чиқиш каби қўшимча вазифалар юклатилди.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси доирасида болалар учун махсус ҳуқуқий портал яратилади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар турли ҳаётий ҳолатлар бўйича ҳуқуқий ечим тақлиф этиладиган ва давлат хизматлари кўрсатиш электрон тизими билан боғланадиган Advice.uz ("Ўзбекистон ҳуқуқий форуми" сайти) ҳуқуқий ахборот тизимининг ишлаб чиқишини ва ишга туширилишини ҳамда 2020 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳуқуқий интернет портали яратилиши тўлиқ аяқланганини таъминлайди.

Шунингдек, уч ой муддатда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул иштиёрий юридик ёрдам кўрсатиш (pro bono) тизимини ривожлантиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси, икки ой муддатда ёшидан келиб чиқиб ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси бўйича аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги даражасига қўйиладиган минимал талаблар ҳамда бир ой

Моҳира МУСАХОНОВА,
Юристар малакасини ошириш
маркази тингловчиси

муддатда давлат органлари ва ташкилотларда ходимларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган бепул ҳуқуқий маслаҳат курсларини ташкил этиш дастурлари ишлаб чиқиши ҳам белгиланди.

Ҳуқуқий тарғиботни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳақида гап кетар экан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлашда ОАВ муҳим рол ўйнайди. Фармонда шу жиҳатларга ҳам эътибор қаратилган бўлиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига оммавий ахборот воситаларининг жамоатчилик назоратини таъминлаш борасидаги ролини ошириш, бу борада уларнинг давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан алоқасини кучайтириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Адлия вазирлиги бир ой муддатда ҳуқуқий мавзуларни тизимли ва таҳлилий ёритиб бориш ҳамда аҳолини қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга доир телекўрсатувлар қўламини кенгайтириш чораларини кўриш, шунингдек, мазкур Фармоннинг мазмун-моҳиятини ҳамда унинг амалга оширилиши бўйича кенг тушунтириш ишларини оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи орқали ёритилиши таъминлаш каби долзарб вазифалар ҳам белгиланди.

Булардан ташқари, мазкур ҳужжатда давлат органлари ва ташкилотларининг ҳуқуқий тарғиботини амалга ошириш, аҳолига қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича олиб бораётган фаолияти устидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш ҳам назарда тутилмоқда.

Ҳуқуқий маданияти юксак инсоннинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ислохотларга нисбатан дахлдорлиги юқори бўлади. Бир сўз билан айтганда, у жамият олдиданги масъулиятини ҳис қилиб яшайди. Бундай фуқаро қонунлари, жамиятдаги урф-одат ва ахлоқ меъёрларини ҳурмат қилади, уларга оғишмай риоя этади, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликларни содир этишдан ҳам тийилади. Шундай экан, Президент фармони билан белгилаб берилган чора-тадбирлар аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилиши шубҳасиз.

БОЗОРНИНГ УЧ МИЛЛИАРДЛИК ҚАРЗИ БОР

Бозор — юрт кўрки. Тўкин бозор халқ фаровонлиги, ризқ-рўзининг бутунлиги, дастурхонлар тўкин-сочинлигидан нишонандир. Шунинг учун ҳам қадимдан аждодларимиз "Агар юртнинг ободлигини билмоқчи бўлсанг, унинг бозорини кўр!" деб бежизга айтишмаган. Агар бундай масканларнинг мутасаддилари ўзибўларчилик қабилида иш тутса, бозорлар фаолиятида ҳам унинг кўркига соя ташлаб турган айрим қонунга зид ҳолатлар буй кўрсатиши тайин.

Маъжбурий ижро бюросининг Сергели туман бўлими томонидан иқтисодий судларнинг қарорларига асосан "Сергели дехқон бозори" АЖнинг 38 та ҳолат бўйича 6 та ташкилотдан қарийб 3 миллиард сўмлик қарздорлиги бўйича тегишли чоралар кўришга қиршилди.

Маълум бўлишича, жамиятнинг туман ДСИ (давлат солиқ инспекцияси)дан 1 миллиард 353 миллион сўмдан ошқирок, "Тошкент сув таъминоти" УҚдан 455 миллион сўм, Тошкент шаҳар ИИББ хузуридаги Кўриқлаш бошқармасидан 22 миллион сўмга яқин, "Сергели махсустрас" ДҚдан 340 миллион сўмдан зиёд, тумандаги адвокатлик бюроси ва МЧЖлардан бириндан 1675 миллион сўмдан ортиқ

қарзи мавжуд бўлиб, бозор маъмурияти деярли боши берк кўчага қириб қолган.

Хўш, отнинг калласидай қарздорлик қаердан пайдо бўлди ўзи?.. Ушбу қарздорлик кеча ёки бугун пайдо бўлмаган. Балки йиллар давомида йигилиб, масъул шахсларнинг лоқайдлиги ва бепарволиги натижасида бугун аҳвол шу даражага етиб келди.

Маъжбурий ижро бюросининг туман бўлими ходимлари суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш мақсадида дехқон бозорига таширф буюриб, ҳолатни ўрганишди. Аниқлаштириш, бозорнинг ҳар ойлик даромади 130 миллион сўмни ташкил этади. Олинган даромадларнинг барчаси қарзларни қоплашга йўналтирилаётган экан.

Рустам АЛИМОВ,
МИБ Сергели туман бўлими
бошлиги ўринбосари

Бюро ходимлари жамиятнинг қарздорликларини бартараф этиш чораларини кўроқда. Хусусан, қарздорнинг барча ҳисоб рақамлари ва ундаги пул маблағларига банд солиш тўғрисида қарорлар чиқарилиб, инкасса топшириқномалари ТИФ "Миллий банк" Сергели филиалига юборилган. Қарздорнинг номига расмийлаштирилган мол-мулкларни аниқлаш чоралари кўрилди. Шунингдек, қарздорга тегишли қиймати 1 миллиард 305 миллион сўмликдан ошқирок 47 та мол-мулк хатланди.

Хулоса ўрнида айтар сўзимиз, халқимизда "Тома-тома кўл бўлур" деган нақл бор. Қарздорлик ҳам шундай, вақтида бартараф қилмасангиз, кам-камдан йигилиб, тоғдек қўтарилиши мумкин. Кун келиб қарз ўзининг тоғдек юқини гарданиянгига ташлаганида, бошнингизни қай деворга уришни билмай қоласиз. Шунинг учун ҳам энергия ресурслари, солиқ ва бошқа тўловларни ўз вақтида тўлашни унутманг!

Маъжбурий ижро бюроси Жиззах вилоят бошқармасининг тезкор ходимлари Шароф Рашидов туманида жойлашган масъулияти чекланган жамиятга қарашли иссиқхонада ўтказилган текширишда электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келинганлик ҳолатини аниқлашди. Маълум бўлишича, иссиқхона раҳбари таъминотчи корхоналар билан ҳеч қандай шартнома тузмасдан, тармоққа тўғридан-тўғри улашиб олган экан.

ЗАРАРНИ ҚОПЛАДИ

Фарход ЖОНЖИГОВ,
МИБ Жиззах вилоят бошқармаси
тезкор шўба катта инспектори

Маъжбурий ижро юзасидан далолатнома расмийлаштирилди. Таъминотчи корхоналарнинг хулосаларига кўра, тадбиркор томонидан жами 33 миллион сўм миқдорда зарар етказилган.

МЧЖ раҳбари ҳақиқатдан ҳам иссиқхонада помидор маҳсулотини етиштириш учун электр энергияси ва газ таъминоти корхоналари билан шартнома тузмасдан, ўзбошимчалик билан тармоқларга улашиб, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланганини маълум қилиб, етказилган зарарни тўлиқ қоплади.

Бугун барча соҳада бўлгани каби аграр соҳада ҳам изчил ислохотлар амалга оширилаяпти. Жумладан, ердан унумли фойдаланиш, ундан мўл ҳосил олиш йўлида барча зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, дехқон ва фермерлар зиммасига катта масъулият юкланаяпти. Бош прокуратура хузуридаги Агроинспекция томонидан соҳада йўл қўйилган камчилик ва қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича самарали ишлар олиб борилиб, ҳуқуқбузарларга нисбатан жавобгарлик масалалари ҳал қилинмоқда.

Қор ёғса ҳам из ёпилмади

Воҳид РАДЖАПОВ,
Инспекциянинг Қашқадарё вилоят
бошқармаси катта инспектори

Қор туманидаги "Абдиев Тошмурад" фермер хўжалиги раиси Фарход Бахриев ҳам ўтган йили гўза парваришида жиддий камчиликларга йўл қўйгани бос, кўтилган натижага эриша олмади. Инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан фермернинг фаолияти ўрганиб чиқилганда гўза парваришида юзага келган фавқулодда ҳолатнинг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган агротехник тадбирларни, яъни 2018 йил пахта ҳосили учун экилган гўзани 5 марта культивация қилиш, гўза ўсишини бошқарувчи ва қўшимча ҳосил олинишини таъминловчи биостимуляторлар билан каммида 2 марта ишлов бериш, гўза зараркундаларига қарши биомаҳсулотларни далага чиқариш, қўсақ қурти, ўргимчаккана кенг тарқалган майдонларга кимёвий ишлов бериш каби муҳим тадбирларни самарасиз ташкил этганини маълум бўлди. Масъулиятсиз фермерга нисбатан энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида жазима жазоси тайинланди.

Худди шунингдек, Дехқонбод туманидаги "Кўнгирот қоракўнчилик" МЧЖда ўтказилган мониторинг жараёнида ҳам жамият томонидан "Наслчилик тўғрисида" қўйилган талабларига риоя қилинмасдан келинганлиги аниқланди. Жамият 2017 йил давомида мавжуд қўйларни такрор кўпайтириш, наслни кўнкорлар олиб келиш ва чатиштириш қондаларига амал қилмасдан фаолият кўрсатиб келган. Ҳақдорлар жараёнида ишга лоқайдлик билан қараган Эшқуват Турановга ҳам энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида жазима жазоси тайинланди.

Муаммолар бартараф этилди

Бош прокуратура хузуридаги Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон, Оқдарё ва Самарқанд туманларида тадбиркорлар ҳамда фермерлар иштирокида учрашувлар ташкил этилди.

Тадбирларда балиқчилик, паррандачилик, ипақчилик, чорвачилик ва иссиқхоналарда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга доир қабул қилинган қарорларнинг мазмун-моҳияти тушунтириб ўтилди. Соҳадаги инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳсулот тайёрловчилар, қайта ишловчилар ва экспорт қилувчилар билан шартномалар тузилиши ва уларнинг ижроси алоҳида таҳлил қилинди.

Учрашувларда шунингдек, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлари ва тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бўйича ўрнатилган прогноз параметрлар ижроси, солиқ ва боғхона имтиёзларининг қўлланилиши, минерал ўғит, ёқилги-мойлаш, озуқа-ем маҳсулотлари, уруғ ва кўчатлар, энергоресурсларнинг тўлиқ ҳажмларда ҳамда узлуксиз етказиб берилиши аҳоли ўрганилди. Жумладан, Каттақўрғон туман ҳокимлигида бўлиб ўтган учрашувга Пахтати, Нарпай, Каттақўрғон, Нуробод, Кўшработ туманларидаги тадбиркорлик субъектлари ҳамда соҳада фаолият кўрсатаётган фермерлар таклиф этилди. Ишбилармонларни қизиқтирган саволларга мутасаддилар томонидан аҳолига қаратилган жавоблар қайтарилиб, уларни қўйналган муаммоларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилди.

— Учрашув жуда самарали бўлди, — дейди "Каттақўрғон жайхуни" балиқчилик фермер хўжалиги раҳбари Собир Йўлдошев. — Балиқларнинг касаллинишига қарши курашиш ва минерал ўғит олиш билан боғлиқ муаммони ўртага ташлаган эдим. Масала ечимини топди.

Шунингдек, тадбиркор Василдин Турсуновнинг туяқуш парваришларини йўлга қўйишда имтиёзли кредит билан боғлиқ масаласи ҳам жойида ижобий ҳал этилди.

Каттақўрғон туманидаги "Ҳожи Абдулло" фермер хўжалиги 2002 йилдан буён чорвачилик йўналишида фаолият юритиб келади. Соҳа ривожига берилган эътибор натижасида фермер хўжалиги вилоят ва туман ҳокимлиги кўмағида банкдан 7 йил муддатга 6,5 фоизли 1 миллиард 700 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, Австрия давлатидан 62 бош зотли қорамол олиб келди ва фаолият кўламини кенгайтириш имкониятига эга бўлди.

Тумандаги Мехриддин Эрназаровлар оиласи ҳам мана 6 йилдирки, ўз хонадонидан сутни қайта ишлаган ҳолда, 4-5 хил турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариб, халқимиз дастурхонига етказиб бериб келаётганлардан. Давлатимиз томонидан жорий қилинган "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури уларнинг фаолиятини кенгайтиришда қўл келди. Мазкур дастур асосида банкдан 7 йил муддатга 6,5 фоизли 800 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Австриядан 32 бош зотли қорамол олиб келишга муваффақ бўлишди. Шунингдек, тадбиркор оила учун қорамоллар-

ни парвариш қилиш, еم-хашак жамғариш мақсадида туман ҳокимлиги томонидан 20 гектар ер ҳам ажратилди.

Оқдарё туманида бўлиб ўтган мулоқотга эса Иштихон, Пайрак, Пастдарғом ва Оқдарё туманларининг тадбиркорлик субъектлари жалб этилди. Бу ерда ҳам йиғилганларга Президентимизнинг балиқчилик, паррандачилик, ипақчилик ва иссиқхоналар комплексини ривожлантириш билан боғлиқ қарорларнинг мазмун-моҳияти аҳолига тушунтирилган ҳолда, тадбиркорлар томонидан илгари сурилган муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Самарқанд туман ҳокимлигида давом этган мулоқот Булунгур, Жомбой, Тайлоқ, Ургут ва Самарқанд туманларининг ишбилармонларини бир ерга жамлади. Тадбир давомида кўнчилик сингари, Тайлоқ туманидаги "Орзу-Олим-Дилмурод асаллари" кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари О.Илёсовнинг асаларчиликни ривожлантириш билан боғлиқ ер бўйича муаммолари, ишлаб чиқаришга ҳамкорлар топиш масаласи ҳам ечим топди. Ер масаласи ижобий ҳал қилиниб, ҳамкорлар жойида аниқланди.

Ургутлик "Қуйи Алгар балиқлари" фермер хўжалиги раҳбари Н.Мустафоқулов ҳам янгиликлардан бохабар бўлгани ва муаммолар мутасаддилар томонидан жойида ҳал этилганидан мамнун.

Учрашувлар қизгин баҳс-мунозаралар, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Аҳамиятлиси, мавжуд муаммоларнинг жойида ўз ечимини топиб бачча учун бирдек манфаатли бўлди.

17-YANVAR 2019-Y. HUQUQ № 3 (1148) 11

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Djaxonir MIRSAYEV
Sarayu RAHMONOVA

Raxiyor NAZOROV
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85
Web site: www.huquq.uz
E-mail:
huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning poyshanba kuni chiqadi.
Sonunda kelishgan nardda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiz
qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi.
Maullik fikri tahririyat nuqtai nazaridan
farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko'chirib
bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi
ko'rsatilishi shart.
□ — tijorat materiali.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma v-3043. 20 656 nusxada bosildi.
Oqoz'och bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va
sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: G.HOJIBOYEVA
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-
yil 12-oktabrda 0188-
raqam bilan ro'yxatga
olingan.

ISSN 2010-7617

9 772010 761004

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.



**Ватан ҳимоячилари кунин ва
Ўзбекистон Республикаси
Қуроли Кучларининг
27 йиллиги муносабати билан
ватан ҳимоячиларини чин дилдан
табриклайди. Юртимизнинг
мард ўғлонлари, тинчлигимиз
посбонлари, байрамингиз
муборак бўлсин!**



Бу галги Осиё кубоги биров қутилмаган натижалар ва кучсиз кўринган терма жамоаларнинг ёрқин ўйинлари билан бошланди. Киноиндустрияси Голливуд билан рақобатлашадиган ҳиндлар бу чемпионатда сенсация кўрсатадигандек кўринганди. Аммо мусобақа билан хайрлашишга мажбур бўлишди.



SPORT

ИККИ ЎЙИНДА ИККИ ХИЛ ҒАЛАБА

Иордания термаси эса амалдаги чемпионни, яъни австралияликларни мағлуб этди. Чемпионлик учун асосий даъвогарлардан ҳисобланган Жанубий Корея Филиппинни, Япония эса Туркменистонни амаллаб мағлуб эта олди.
Бирок, иккинчи турдан барчаси изига туша бошлади. Биз учун аҳамиятлиси, албатта, терма жамоамизнинг ўз ўйинини кўрсата олгани бўлди.
Турнирнинг илк турида мазмунсиз ўйин кўрсатиб бўлса-да, қийинчилик билан уммонликлар устидан ғалаба қозонган Эктор Купер бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи турда қўшиларимиз билан тўқнаш келди.
Эктор Купер ўтган учрашувга қараганда асосий таркибда учта ўзгаришни амалга оширди. Мураббий Уммонга қарши кечган баҳсда четлатилган Егор

Кримец ўрнига Ислам Тўхтаҳўжаев, биринчи турда ишончли оқламаган Сардор Рашидов ва Марат Бикмаевларнинг ўрнига нисбатан ёшроқ бўлган Достон Ҳамдамов ҳамда Элдор Шомуродов вариантини танлади. Бу эса амалда ўзининг ижобий натижасини берди.
Ўйин қутилмаганда Туркменистон терма жамоасининг тезкор ҳужумга ўтиши билан бошланган бўлса-да, футболчиларимиз секин-аста майдонда ўз устунликларини ўрната олишди. Бунинг натижасида рақиб дарвозаси томон зарбалар сони ҳам ортиб бораверди. Ўйиннинг 17-дақиқасида Аҳмедов, Шомуродов ва Ҳамдамов томонидан ташкил этилган ҳужумнинг якунига Сиддиқов "нуқта" қўйди.
Дастлабки голни уриб олган футболчиларимиз биров босимдан халос

бўлишди. Бу эса уларнинг ўйинларига мазмун бағишлади. Баҳсининг 24-дақиқасида "катта саҳна"га Элдор Шомуродов чиқди. Отабек Шукуров томонидан етказилган тўпни Элдор совуқонлик билан дарвозага жойлаб қўйди.
Иштаҳа овқат пайтида келади, деганларидек, ҳисобдаги устунлик мустаҳкамланган, бўёғига терма жамоамизнинг ўйини очилиб кетди. Футболчиларимизнинг ўзларига бўлган ишончи ортди. Натижада вакилларимиз ҳисобни йирик кўринишга келтиришди. Аввалига Жалолиддин Машарипов рақибларни ранжитган бўлса, сал кейинроқ айнан Машариповнинг узатмасидан сўнг Элдор Шомуродов рақиб ҳимоячиси ва дарвозабонидан ўтиб, очик қолган дарвозага тўпни йўллади.
Танаффусга қадар барча масалани

Мақсудали ҚАМБАРОВ,
"Нуқуқ"

ҳал этиб қўйган терма жамоамиз иккинчи бўлимда ҳисобни янада йириклаштириш учун бир қатор имкониятларга эга бўлди. Бирок ҳужумларнинг яқунловчи қисмида аниқлик етишмади. Шу тариқа, Ўзбекистон терма жамоаси иккинчи ўйинда ҳам ғалаба қозониб, муддатдан аввал плей-офф масаласини ҳал қилди.

Осиё кубоги-2019.
"Ф" гуруҳи, 2-тур

Туркменистон м.т.ж. — Ўзбекистон м.т.ж. 0:4
Голлар: Жавохир Сиддиқов (17-дақиқа), Элдор Шомуродов (24, 42-дақиқалар), Жалолиддин Машарипов (40-дақиқа)

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Нуқуқ" газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят бўлим муҳаррири Бахтиёр Назаровга акаси **Анор НАЗАРОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдирлик изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Тошкент вилоят прокуратураси жамоалари ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази прокуратура фахрийси Отабек Фузаиловага ўғли **Исламбек ФУЗАЙЛОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Нуқуқ" газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят муҳбири Исроил Иброҳимовга акаси **Исмоил ИБРАГИМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.